БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 152 (383)

2 АВГУСТ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Маршал Климент Ворошилов жаноб олийларига Теодор Кернернинг телеграммаси. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Маршал Н. А. Булганин жаноб олийларига Юлиус Раабнинг телеграммаси. СССР Ташқи Ишлар Министри Вячеслав М. Молотов жаноб олийларига Леопольд Фигльнинг телеграммаси (1-нчи бет).

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрининг Буйруғи (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССРнинг барча колхозчиларига, совхоз ва МТСларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча мутахассисларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мактуби (1 ва 2-нчи бетлар).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV пленуми (2-нчи бет).

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, далаларда фидокорона меҳнат қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшайлик! М. Норматов. — Ғўза тупларида кўсак мўл бўлади. (3-нчи бет).

Варшавада ёшларнинг Жаҳон V фестивали очилди (4-нчи бет).

Югославия делегацияси Тошкентда (4-нчи бет).

Август — ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳал қилучи ой

Барча совет кишилари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ишчи ва инженер-техник ходимлар, пахтакорлар ҳамда механизаторлар саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар.

Илғор колхозларнинг а'золари пахта ҳосилини оширишдек давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун поёнсиз пахта далаларида астойдил ишлаб ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республиканинг барча колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата бугунги газетамизда э'лон қилинаётган Мактубида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун август ойида янада зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилишга чақирилади. Областимиз пахтакорлари бу Мактубга жавобан ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари, ҳар бир ишни ўз вақтида, сифатли ўтказишга эришишлари лозим.

Август ойида ғўзаларни табақалаб парвариш қилиш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бу, июльнинг сўнгги ўн кунлигида ўтказилган районлараро текширишда яна яққолроқ кўринди. Ҳозирги пайтда қайсибир колхоз ва совхозга бориб кўрманг, у ерда жуда яхши ҳосил олаётган ғўзалар блан бир қаторда, ўсиши, ривожланиши жиҳатидан кейинда қолаётган ғўзаларни кўрасиз. Бундай фактни ўртасаройлилар Янгийўлдз, янгийўллилар ўртасаройда аниқладилар. Чиноздан келган ўзаро текшириш бригадаси Октябрь районидаги айрим колхозларда сўнгги кунларда ғўза парваришни сусайтириб юборилганлигини қайд қилдилар, Худди шундай факт Чиноз районида ҳам содир бўлмоқдаки, бу қолоқликнинг олдини олиш учун шошилинч чора кўриш керак.

Шу кунларда ҳарбир районда ўзаро текшириш натижалари қизғин муҳокама қилинмоқда. Ана шундай йиғилишларда мусобақадошлар аниқланган камчиликларни рўй—рост очиб ташламоқдалар ва бу камчиликларни тузатиш тадбирларини белгилаб бермоқдалар. Пискент районидан келган ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош Ўртачирчиқ районида текшириш ўтказди. Пискентлилар Ўртачирчиқдаги колхозларнинг анчагина майдондаги ғўзаси ўсишдан ва ҳосил олишдан қолаётганлигини аниқладилар. Дарҳақиқат, Ўртачирчиқ районидаги бирқанча колхозларда ғўзани культивация ва чопиқ қилиш, суғориш муддатлари ва қоидалари бузилаётганлиги сабабли ҳосил тўкилиб нобуд бўлмоқда, ўсишдан қолаётган ғўзалар эса қўшимча парвариш қилинмаётир. Райондаги Энгельс номли колхозда суғоришдан кейин бўладиган чопиқ ва культивация ердаги нам қуриб қолгандан кейин ўтказилаётганлиги сабабли қаторларда кесак кўчиб, ғўзанинг илдизи шикастланмоқда, демак шона ва гул тўкилишига сабаб бўлмоқда. Ильич номли, Ленин номли, Калинин номли колхозларда эса ғўза кечикиб суғорилаётганлиги сабабли ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Бу хилдаги камчиликларни миразачўллилар Гулистон районида, гулистонлилар эса Мирзачўл районида аниқладилар. Гулистон районидаги 2-нчи МТСда 50 процент трактор ишлатилмаётир, чунки бу МТС раҳбарлари ғўзанинг кўкига қараб, «Энди қаторларга «универсал» оралолмай қолди» деб хотиржамлик қайфиятига тушиб қолганлар.

Август ойини пахтакорларимиз ҳаққоний суратда ҳосилга-ҳосил қўшиш ой деб атайдилар. Шу ойда қанчалик зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилсаккина, ғўза тупларидаги кўсаклар тез тўлишади, шоналар гулга айланади. Районлараро ўтказилган ўзаро текширишда ҳарбир колхоз ва совхозда ҳам ғўзаси паст далалар борлиги аниқланди. Ана шу майдонларда қўшимча иш олиб бориш йўли блан қолоқ ғўзаларни серҳосилли ғўзаларга етказиб олиб, шу йўл блан барча майдонларда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун август ойи давомида ғўза парваришини қизғин давом эттириш керак.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ўзаро текширишнинг кунларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун барча техника ҳамда ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланиш тадбирларини амалга оширишлари зарур. Улар мусобақадошлар ёзиб қолдирган таклиф ва камчиликларни ўша колхознинг ўзида белгиланган муддатда бажарилишини доим контрольлик қилиб туришлари, сал бўлса ҳам бўшашчиликка йўл қўймасликлари керак.

Бу йил айрим сабаблар блан ба'зибир колхоз ва совхозларда ғўзалар сийрак бўлиб қолди. Энди ана шу сийрак бўлиб қолган майдонларда ҳам ғўза туплари нормал бўлган майдонлардаги сингари мўл ҳосил етиштириш учун даладаги мавжуд ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилиш йўли блан белгиланган миқдорда пахта етиштиришга эришмогимиз лозим.

Ҳозирги пайтда ғўзаларни кечаю-кундуз суғоришга алоҳида э'тибор бериш керак, чунки барча майдонлардаги ғўза асосан 3 марта озиқлантирилди, 3—4 марта парвариш қилинди. Август ойида ғўзаларни қондириб суғориш кўсакларнинг тезроқ етилишини та'минлайди. Колхоз правленилари, совхозларнинг дирекциялари ғўзани август ойида парвариш қилиш, айниқса қондириб суғориш юзасидан системали иш олиб боришлари, бу соҳадаги ишларнинг сал бўлса ҳам бузилишига йўл қўймаслик учун доимий назорат ўрнатишлари зарур. Ғўзаларни сувдан қолдирмаслик, шу блан бирга чанқамаган ғўзаларни беҳуда суғормаслик керак. Акс ҳолда шона ва гул тўкилади, демак фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади.

Илғор колхоз ва совхозларда ғўза парваришни муваффақиятли ўтказилиши блан бирга, 14—15 тадан ҳосил шохи чиқарган ғўзалар чеканка қилинаётир. Чеканкани бир марта эмас, талаб қилинган жойларда 4—5 марта ҳам ўтказиш мумкин. Агар чеканка табақалаб ўтказилмаса, у ҳолда етилмаган ғўзалар ҳам чеканка қилиниб, ҳосил камаяди, я'ни ғўза яхши ривожланаолмайди.

Шу кунларда пахта далаларида меҳнатни тўғри ташкил қилиш ишда муваффақият келтиради. Колхозчиларга ва механизаторларга ўз вақтида иссиқ овқат қилиб бериб туриш, уларнинг ишдан кейинги пайтларда маданий дам олишларини уюштириш, пахтакорларга вақти-вақти блан пул ва галла авансларини берилишини та'минлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўртачирчиқ, Бўка, Пискент, Чиноз, Октябрь районлари партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ғўза парваришини август ойида кучайтириш юзасидан зарур тадбирлар белгилашлари, барча пахтакорлар ва механизаторларни бу ишга тўла сафарбар этиш учун курашишлари лозим. Чунки яқинда ўтказилган ўзаро текширишларда бу районлардаги кўпчилик колхозларда ҳосил олиши жиҳатидан кечикаётган ғўзалар борлиги кўпроқ аниқланди. Агар август ойида ана шу районлардаги колхозларда ғўзалар яна 2 марта комплекс парвариш қилинмаса, вақти-вақтида қондириб суғорилмаса, мўлжалдаги ҳосилни етиштириб бўлмайди.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари август—ҳосилга-ҳосил қўшиш ой эканлигини колхозчиларга, механизаторларга, совхоз ишчиларига тўла тушунтиришлари лозим. Токи, ҳарбир колхозчи ва механизатор ғўза парваришида 1,5 — 2 норма бажариш учун астойдил курашсин. Шу кунларда дала шийпонларидаги ишни янада яхшилаш, дала шийпонларини пахтакорлар ва механизаторларнинг ҳақиқий дам олиш жойига айлантириш—қишлоқ партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир. Агитаторлар пахтакорлар ўртасида август мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилучи ой эканлигини кенг тушунтиришлари, бу соҳадаги илғорлар тажрибасини оммалаштиришлари зарур.

Ҳозирги кунларда ғўза зараркунандасига қарши курашни намунали уюштириш, бир туп ғўзани ҳам зарарлантирмаслик керак. Колхозлардаги ОДН ва қўл аппаратларининг тўхтовсиз ишлашини та'минлайлик.

Партиямизнинг шонли XX с'ездини меҳнат соҳасида янгидан-янги ғалабалар блан кутиб олиш ҳарбир пахтакор ва механизаторнинг жонажон вазифасидир. Биз она-Ватанимизга қанча кўп пахта етказиб бersак, бу партия XX с'ездига муносиб совға бўлади. Шунинг учун ҳозирги ҳал қилучи кунларда зўр ғайрат блан меҳнат қилишимиз, ҳар туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун курашуб олиб бормогимиз зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

1955 йил 30 июльда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Ш. Рашидов Ильич номли завод партия ташкилотининг секретари Шоаҳмад Исмоилова кўп йил ва самарали ишлагаллиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Фахрий ёрлиғини топширди.

Ўртоқ Ш. Рашидов Фахрий ёрлиқни топширганидан кейин мукофотланганни қизғин табриклади ва унга ўз ишида янги муваффақиятлар тилади.

ТЕЛЕГРАММА

Венадан, 1955 йил 30 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Маршал Климент ВОРОШИЛОВ жаноб олийларига

МОСКВА

Австрия Давлат Шартномасининг кучга кирганлиги муносабати блан шахсан ўз номингиздан юборган дўстона табрикларингиз, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг табриклари учун шахсан менинг, шунингдек австрийс халқининг самимий ташаккурларини қабул қилишингизни сўрайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноб Олийларига ва СССР Олий Совети Президиумининг а'золарига бахт-саодат истаб, шунингдек, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг яшнаб-гуллашини истаб, энг яхши тилакларимни билдираман.

Федерал президент Теодор КЕРНЕР

ТЕЛЕГРАММА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Маршал Н. А. БУЛГАНИН жаноб олийларига

МОСКВА ШАҲРИ.

Австрия Давлат Шартномасининг кучга кирганлиги муносабати блан менга юборган табрикларингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор қилишни чин қалбимдан истайман.

Мен қаттиқ ишонаманки, Австрия суверенитетининг тикланиши мамлакатимиз ўртасида мавжуд бўлган яхши ўзаро муносабатларни кучайтирибгина қолмай, балки Европада тинчликни сақлаш ишига ҳам хизмат қилади.

Юлиус РААБ

Вена, 1955 йил 29 июль.

ТЕЛЕГРАММА

Венадан, 1955 йил 29 июль.

СССР Ташқи Ишлар Министри Вячеслав М. МОЛОТОВ жаноб олийларига

МОСКВА

Министр жаноблари, Австрия Давлат Шартномасининг кучга кирганлиги муносабати блан менга юборган шунчалик самимий тилакларингиз учун менинг самимий ташаккуримни, шунингдек австрийс халқининг ташаккурини қабул қилишингизни сўрайман.

Мен аминманки, озод Австрия Европада тинчликни та'минлаш ишига анча ҳисса қўшади.

Леопольд ФИГЛЬ.

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрининг БУЙРУҒИ

1955 йил 31 июль №125 Москва шаҳри

Мустақил ва демократик Австрияни қайтадан тиклаш тўғрисида тузилган ва 1955 йил 27 июльда кучга кирган Давлат Шартномасига мувофиқ Совет Иттифоқи қўшинлари, шунингдек Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франциянинг қўшинлари уч ой муддат ичида Австриядан олиб чиқиб кетилади.

Бизнинг қўшинларимиз гитлерчилар армиясига қарши шиддатли жанглар даврида душман қўшинларини тор-мор келтириш ва Австрияни фашистлар зулмидан озод қилиш мақсадида Австрияга кирган эдилар.

Совет Армиясининг ва иттифоқчи давлатлар армияларининг гитлерчи босқинчилар устидан ғалаба қозонганликлари Австрияга озодлик келтирди ва мустақил, демократик Австрия давлатини тиклаш имкониятини та'минлади.

Совет қўшинлари Австрия пойтахти Венани вайрон бўлишдан қутқазиб қолдилар ва австрийс халқига уруш оқибатларини тугатишда ёрдам бердилар. Совет жангчилари мамлакатда табиий офатлар юз берган вақтда Австрия аҳолисига ёрдам кўрсатдилар, буни Австрия жамоатчилиги ва Австрия Республикаси президенти тақдирладилар. Австрия Республикаси Президенти Совет Армияси солдатлари ва офицерларининг бир группасини орден ҳамда медальлар блан мукофотлади.

Совет қўшинлари шахсий состави блан Австрия аҳолиси ўртасида вужудга келган муносабатлар Совет Иттифоқи халқларининг австрийс халқига бўлган дўстона туйғуларининг ифодаси бўлди. Австриядаги жангчиларимиз тинчлик посбони бўлганлари ҳолда, совет халқи олдида ва Европадаги бошқа халқлар олдида ўз бурчларини шараф блан бажардилар.

Тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдан иборат ўз сиёсатига содиқ бўлган Совет Ҳукумати ўз ҳарбий контингентларини Австрия Давлат Шартномасининг тузилганлиги муносабати блан Австрия территориясидан олиб чиқиб кетиладиган қўшинлар сони миқдорида камайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Совет Ҳукуматининг бу тадбири СССРнинг тинчликсеварлик сиёсатини кўрсатучи янги далилдир.

ССР Иттифоқи Ҳукуматининг қарорини амалга ошириш юзасидан **буюраман:**

1. Австрияда жойлашган барча совет қўшинлари 1955 йил 1 октябрьгача Совет Иттифоқи территориясига олиб чиқиб кетилсин.

2. ССР Иттифоқи қуролли кучларининг умумий сони Австриядан олиб чиқиб кетиладиган қўшинлар сони миқдорида камайтирилсин.

Шу муносабат блан ҳарбий хизматчиларнинг тегишли сони армия сафларидан муддатидан илгари бўшатилсин. Бўшатиш белгиланган тартибда амалга оширилсин.

3. Ҳарбий округларнинг қўмондонлари ушбу буйруққа мувофиқ армиядан бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни ва хизматчиларни маиший жиҳатдан жойлаштириш тўғрисида маҳаллий совет органларига таклифлар тақдим этсинлар.

4. Австриядан олиб чиқиб кетиладиган совет қўшинларининг шахсий составига ўз ҳарбий бурчларини намунали бажарганликлари учун ташаккур э'лон қиламан.

Австриядаги совет қўшинларининг бош қўмондони энг яхши солдат, сержант, офицер ва генералларни ўз ихтиёри блан рағбатлантирсин, улардан алоҳида ўрнак кўрсатганларини эса мукофотга тақдим этсин.

Армия сафларидан бўшатиладиган жангчилар совет халқининг мамлакатимизда коммунизм қуриш соҳасидаги ижодий меҳнатига активлик блан қўшиладилар, деб қаттиқ ишонч билдираман.

Бу олижаноб ва ватанпарварлик ишида уларга муваффақият тилайман.

ССР Иттифоқи Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали Г. ЖУКОВ.

Ўзбекистон ССРнинг барча колхозчиларига, совхоз ва МТСларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча мутахассисларига

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг

МАКТУБИ

Қадрли ўртоқлар!

Шу кунларда бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини жуда катта э'тибор блан ўрганмоқда. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар Пленумнинг тарихий қарорларини қоят зўр қониқиш блан қутиб олдилар. Бу қарорларда социалистик индустриянинг ишига якун ясалган ва саноатни ҳамда СССР халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш соҳасидаги янги катта-катта вазифалар белгилаб берилган. Совет қишилари КПСС МК Пленумининг тарихий қарорларини якдиллик блан ма'қулламоқдалар ва шу блан бирга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини кизитиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришида сур'атни кун сайин оширмоқдалар.

КПСС МК Пленуми кўкламги экишнинг якунлари, экинларни парвариш қилишнинг бориши, ҳосилни йиғиб олиш тўғрисида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлаш ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, шу нарсани та'кидлаб ўтдики, **«Ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозларнинг, МТС ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси — экинларни парвариш қилишни намунали ўтказишдан, ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмасдан ўриб йиғиб олишдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва закупка қилиш планини муддатидан илгари бажаришдан, уруғлик фондларини тўла равишда ғамлаб қўйишдан, чорвачилиини ем-хашак блан етарли та'минлашдан, колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришишдан ва шу асосда меҳнат кунига пул ҳамда натура блан тўланадиган ҳақни ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини оширишдан иборатдир».**

Улуғ социалистик Ватанимизнинг колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ишчилари партия томонидан қўйилган вазифаларни қоят буюк аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолда ўзларининг бутун куч-ғайратларини энг зарур қишлоқ хўжалик ишларини муваффақиятли ўтказишга сафарбар этмоқдалар.

Ўзбекистон социалистик далаларининг меҳнаткашлари ҳам КПСС МК июль Пленумининг қарорларини жанговар иш программаси деб қабул қилдилар. Республикамизнинг кўпгина пахтакор колхозлари агротехника усулларини фидокорлик блан тўғри қўллаётганликлари ва ғўза парваришини сифатли ўтказаётганликлари туфайли ҳозирнинг ўзидаёқ яхши ҳосил тўплашга эришдилар. Илғор колхоз ва совхозларда дала ишлари сусайтирилмади, аксинча кучайтириб юборилди.

Лекин, ўртоқлар, сиз блан бизнинг хотиржамланишимиз ва бепарво бўлишимизга ечқандай асос йўқ, чунки, талайгина майдонлардаги ғўзаларнинг аҳволи ҳосилнинг тақдири учун жатта ташвиш тўғдирмоқда. Бу йилги баҳор алоҳида хусусиятларга эга бўлди. Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги натижасида чигитни қайта экишга тўғри келди, айрим жойларда ғўзалар сийрак бўлиб қолди. Барча область, район, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари, барча колхозчилар, совхоз ишчилари ҳам юз берган вазиятдан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олдилар, деб бўлмайди. Ўз вақтида ва сифатли культивация, чопиқ қилинманганлиги, суғориб, озиқлантирилмаганлиги натижасида кўпгина майдонлардаги ғўзалар ривожланишдан орқада қолмоқда. Бунинг устига айрим жойларда ғўзаларни зарарли ҳашаротлар, айниқса ўргамчаккана босиб кетганлиги ҳамда бу ҳашаротлар ҳосилга жиддий зарар етказганлиги ва етказаётганлиги сабабли аҳвол янада оғирлашиб қолди.

Сиз, қадрли ўртоқлар, яхши биласизки, республикамиз бирнеча йилдан бери давлат пахта тайёрлаш планини бажармай келаётир. Қаҳрамон совет халқи КПСС XX с'ездини ишининг ижодий кучлари гуллаб-яшнаган ҳолда қутиб олмоқда, яна шу вазиятда бизнинг бурчимиз — Ўзбекистон пахтакорларининг бурчи — ҳамма чораларни кўриб, ҳарқандай шароитда ҳам бу йил давлат пахта тайёрлаш планини ортдириб бажаришдан иборат. Бунинг учун бизда барча шароит ва имконият бор. Биз йиғим-теримгача қолган вақт ичида аҳволни тузатишимиз, ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни яхшилаб олишимиз ҳамда давлатга пахта топшириш юзасидан белгиланган планни ва социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашимиз мумкин.

Бунинг учун бутун август давомида далаларда ишни ора тўхтатмасдан ғайрат ва матонат кўрсатиб меҳнат қилишимиз зарур. Август — пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда ҳал қилучи ойдир!

Август ойида ҳам июль ойидаги сингари яхши ишласак, ёмон ғўзаларни яхшилаб олишимиз, аксинча ишни тўхтатиб қўйсак, яхши ғўзаларни ёмон аҳволга солиб қўйишимиз, тўпланган ҳосилни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Ҳаво температураси қарқачонгидан ҳам баланд бўлган ҳозирги вақтда ғўзани яхши парвариш қилиш, айниқса сувдан усталик блан фойдаланиш талаб қилинади. Шундай кезларда ғўза парваришига мас'улиятсизлик ҳолларига бепарво қараб туриб бўлмайди. Ҳосилнинг тақдири ўз қўлимиздадир. Ҳарбир колхозчи, ҳарбир трактерчи, ҳарбир совхоз ишчиси август ойида ғўзани парвариш қилишда фидокорона меҳнат қилиши зарур. Пахтадан юқори ҳосил олишнинг бирданбир йўли — мана шу!

Бу йилги шароитда август ойи — ҳосил тўплаш учун жуғаш ой, ҳал қилучи ой ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикадаги барча колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча мутахассисларини август ойида пахта далаларида ғайрат блан ишлашга чақириб, уларга мана шу Мактуб блан мурожаат қилишни лозим топдилар.

Совет кишилари учун Ватан манфаатлари шахсий манфаатларидан ҳамиша устун бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлади. Пахта учун кураш — бизнинг энг жонажон ишимиздир. Шунинг учун август ойида пахта далаларида фидокорона ишлаб, хатоларимизни тугатиш, ғўзанинг ўсиб ривожланишидаги қолоқликни битириш пахтадан мўл ҳосил тўплаш керак. Партия, ҳукумат, халқ сиздан шуни кутмоқдалар. Август ойини пахта далаларида зўр бериб меҳнат қилиш, сабот-матонат кўрсатиб ишлаш ойига айлантирайлик!

Барча областлар, районлар, колхоз, совхоз ва МТСларнинг меҳнаткашлари ҳозирги кунларда юқори ҳосил тўплаш учун бутун кучларини сарф қилиб, чарчамасдан ишласаларгина пахтачилик ходимларининг 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида республика томонидан олинган мажбуриятни бажариш мумкин.

Лекин республикада шундай область, район, колхоз, совхоз ва МТСлар борки, уларда ана шундай ҳаракат сезилмаётир. Уларда ўтган йиллардаги хатолар такрорланмоқда, ҳосилнинг тақдири учун чинакам таниниш йўқ.

Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро областларининг колхозчилари, механизаторлари, совхозларининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўртоқлар! Сизлар ғўза парваришида айниқса кейинда қолдингиз, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, олинган мажбуриятларни бажариш учун сизларда ҳамма шарт-шароитлар бор. Сизларда механизмлар кўп, одам кучлари старли. Хўш, сизларнинг нимадан камчилигингиз бор? Сизларнинг камчилигингиз шулардан иборатки, сизларда меҳнатда уюшқоқлик йўқ, машиналардан, ўғит, сувдан ишнинг кўзини билиб фойдаланмаётирсиз, ҳарбир участкадаги ғўзани алоҳида парвариш қилишга ижодий муносабатда бўлмаётирсиз. Сизларда одам кучларининг ҳаммаси ғўза парваришига сафарбар этилмаган, ҳарбир колхозчи, ҳарбир совхоз ишчиси, ҳарбир механизаторнинг кунлик иш нормасини бажаришига имконият берадиган даражада шароит тўғдирилмаган.

Республика сизлардан ғўзаларнинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун қизғин ва кескин чоралар кўришингизни кутмоқда. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Самарқанд областларининг раҳбарлари ва ғўза парваришида кейинда қолаётган барча район, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари шу нарсани ҳамиша эсда тутишлари керакки, қабул қилинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун уларнинг зиммасига алоҳида мас'улият юклатилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги биронта областьда, биронта районда, биронта колхозда, биронта совхозда, биронта МТСда пахта учун олиб борилаётган умумхалқ курашидан четда турган бирон киши бўлмаслиги керак.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети

МАКТУБИНИНГ ОХИРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ғўза парваришида юз берган аҳволни тузатиш учун бир кун ҳам кечиктирмай ҳамма зарур чораларни кўриш керак, деб ҳисоблайдилар ва барча колхозчиларни, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча коммунист ва комсомолларни, бутун партия, совет, колхоз ва совхоз активини ана шундай чораларни кўришга чақирадилар.

Ҳозирги кунда ғўза парваришидаги қолоқликни битириш ва ҳосил тўплашнинг кескин суратда кучайтириш учун нималарни амалга ошириш керак?

Ғўза парваришида ҳал қилувчи вазифалардан бири — суғоришни танжил этишдир.

Ма'лумки, ҳозирги вақтда, я'ни август ойида ҳосилнинг юқори ва отбор навларга қабул қилинадиган энг қиммаатли қисми вужудга келтирилади. Шунга кўра, ғўзани чанқатиб қўймаслик, бегана ўт босишга, зararли ҳашарот ва касалликлар билан зararланишга йўл қўймаслик керак. Ғўзалар чанқатиб қўйилса, уларни бегана ўт босишга, зararли ҳашарот ва касалликлар тарқалишига йўл қўйилса шона ва тугунчалар тўкилиб кетади, ҳамда ҳосил анча камаяди.

Колхоз ва совхозларга шу кунларда берилаётган сувдан ғўзани кечаю-кундуз суғориш учун мумкин қадар унумли фойдаланиш лозим. Ҳарбир литр сувнинг қадрига етиш, ҳамма жойда суғоришни эгатлар орқали бутун сутка давомида ва сифатли ўтказиш, сувнинг нобуд бўлишига, зовур, йўл ва бекорчи ерларга оқизилишига йўл қўймаслик шарт. Ҳарбир колхоз ва совхозда суғоришни тўхтовсиз ўтказиш учун зарур миқдорда доимий сувчилар ажратиш лозим. Ғўзани суғоришга энг уста сувчилар белгилаб қўйилиши керак. Сувчи — колхозда катта фигурадир.

Ҳозирги вақтда ҳаводаги ва тупроқдаги ҳарорат жуда баланд. Бундай вақтда бир гектар ерга қўйилган сувнинг 100 — 110 кубометри бир сутка давомида парга айланиб кетади. Шунинг учун тупроқда кам деганда 10 — 15 кунга етадиган даражада нам сақланадиган қилиб суғориш керак. Бу эса суғоришни тўла норма билан ўтказишни, ҳарбир суғориш вақтида тупроқнинг 0,8 — 1 метр чуқурлиқда намлиниши та'миланиши талаб этади.

Бутун август ойи давомида суғориш табақалаштирилган ҳолда ўтказилиши керак. Ерости сувлари чуқур, енгил тупроқли ерларда ривожланишда ва ҳосил тўплашда орқада қолган ғўзаларни камида 3 марта суғориш лозим. Ғўзалари яхши ривожланаётган, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда 2—3 марта суғориш билан чегараланса ҳам бўлади. Ерости сувлари ернинг сатҳидан 1 — 2 метр пастда бўлган районларда август ойи давомида 2 — 2,5 марта, ерости сувлари 1 метргача пастда бўлган ерларда эса шу давр ичид 1— 2 марта суғориш лозим.

Ғўзаларнинг ётиб қолишига ва ҳосилининг етилишини кечиктиришига йўл қўймаслик учун август ойининг учинчи декадасидан бошлаб сувни чегараланган норма билан қўйиш керак.

Культивация ва чопиқ суғориш билан боғлаб, тупроқ етилабошлаши билан ўтказилиши лозим.

Ҳозирги кундаги вазифамиз август ойида ғўзаларни камида икки марта сифатли парвариш қилишдан иборатдир.

Август ойи давомида культивация ўтказишдан ташқари, 1 — 2 марта кетман чопиғи ўтказишга, квадрат-уялаб жойлаштирилган ғўзаларни эса ўтоқ қилишга, тупроқнинг қотиб қолган қатламини юмшатиб қўйишга жиддий э'тибор бериш зарур.

Қатор ораларини ишлашда чопиқ тракторларидан тўла фойдаланиш билан бир-қаторда улов кучларини ва от культиваторларини ишга солиш зарур. Бунинг учун ҳарбир далачилик бригадасига ва звеноларга зарур миқдорда улов кучлари ҳамда қишлоқ хўжалик асбоблари ажратиб берилиши керак.

Трактор билан культивация қилинаётган пайтда, навбатдаги суғориш учун бир йўла эгат очиб кетиш лозим.

Ғўза чеканкаси жуда суст олиб борилмоқда. Бунинг устига бирқатор колхозларда бу йил ғўзалар қалта бўгин бўлиб ўсганлиги учун чеканка ўтказмаслик керак, деган ҳархил назариялар тарқалиб кетган. Чеканкани энг яхши муддатларда тамомлаш керак.

Барча областларда, районларда, колхоз ва совхозларда мўл пахта ҳосили тўплаш учун ғўзани самолётлар, ОДН—маркали трактор чанглагич-пуркагич машиналар ва қўл аппаратлари ёрдами билан барги орқали фосфор билан озиқлантиришни кенг авж олдириб юбориш керак. Озиқлантиришда ДДН—30 С маркали сун'ий ёмғир ёғдиручи машиналардан кенг фойдаланиш зарур.

Барги орқали озиқлантиришни биринчи галда ғўзаси яхши ривожланган ва кўп миқдорда ҳосил тугунчаларига эга бўлган далаларда ўтказиш керак.

Ҳосилни қишлоқ хўжалик зararкунандаларидан сақлаб қолиш учун зararланган барча майдонларни дарҳол аниқлаб чиқиш ва зararкунандаларга қарши кураш тадбирлари ўтказилишини та'минлаш лозим.

Ўргимчакканани битириш учун олтингугуртли дориворлардан фойдаланиш, бундай дориворлар етишмаган тақдирда эса совун ва кальцийлаштирилган содалардан фойдаланиш керак. Ўргимчаккана тушган участкаларда ғўзани барги орқали фосфор билан озиқлантирган маҳалда уни ерда юриб ишланиладиган машиналар билан ИСО эритмасига суперфосфат сувини аралаштириб дорилаш зарур.

Механизатор ўтоқлар! Сизга алоҳида мурожаат қиламиз. Сизлар — колхоз ишлабчиқаришда ҳал қилувчи кучдирсилар, пахта учун курашнинг тақдири кўп жиҳатдан Сизга боғлиқдир. МТСлар колхоз ишлабчиқаришининг раҳбарлари ва ташкилотчилари эканликларини, колхоз экономикасини ривожлантиришнинг сафарбар этучи, қишлоқ хўжалигида давлат планларининг бажарилишини та'минловчи куч эканлигини бир минут ҳам унутмаслик керак.

Машина-трактор станцияларининг барча куч ва воситалари ҳозирги вақтда ғўза парваришига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этилмоғи лозим.

Шу билан бирга ғўза парваришини кучайтиришдан ташқари пахта йиғим-теримига тайёргарликни қизитиб юбориш зарур. Пахта далаларида қилинаётган фидокороно меҳнат жараёнида механизаторларнинг далачилик бригадалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоғи бу ҳамкорлик ягона мақсадга — социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини та'миналашга қаратилмоғи лозим.

Яқин 2 — 3 кун ичида механизмларни ғўзалари бир-бирига киришиб кетган қатор ораларида ишлаш учун тахт қилиб қўйиш зарур. Бунинг учун барча чопиқ агрегатларининг гилдиракларига кўндалангига ишлайдиган грядиларнинг кронштейнларига ҳамда культиваторларнинг яхши юришмайдиган бошқа жойларига тўсиқлар ўрнатиш керак.

Ғўза парваришининг сифатли бўлишини та'минлаш, ўсимликларнинг нобуд бўлиши орқасида ҳосилнинг камайишига йўл қўймаслик учун ҳозир культивация қилиш ва эгат олиш вақтида тракторларнинг юриш тезлигини пасайтиришга алоҳида э'тибор бериш зарур.

Тракторларнинг тўхтовсиз ишлашига эришиш ва культивациянинг сифатли бўлиши учун барча чопиқ агрегатларига техника хизмати кўрсатишни пухта ташкил этиш, культиваторларнинг иш органларини ҳам кенглигига, ҳам чуқурлигига тўғрилаб, аниқ созлаш керак.

Бунинг учун МТС директорлари, участка ва бригада механиклари кўчма устаҳоналарнинг тўхтовсиз ишлашини та'миналлари ҳамда тракторларга ва қишлоқ хўжалик машиналарига ҳар сменда ва вақти-вақти билан техника хизмати кўрсатиш қоидалари қандай бажарилаётганлигини кузатиб боришлари лозим.

Шу даврда механизаторларнинг асосий э'тибори пахта далаларида ўтказилаётган ишларнинг а'ло сифатли бўлишини та'миналашга, культивацияни сифатли ўтказиш ва эгатларни чуқур олишга қаратилиши керак. Шуни назарда тутиш лозимки суғоришдан кейинроқ тупроқнинг қуриб қолишига йўл қўйилмаса ўтказилган культивация сифатли бўлади.

Механизаторларнинг энг муҳим вазифаларидан бири — яқин кунлар ичида МТСларда мавжуд бўлган ОДН маркали барча чанглагич-пуркагич машиналарини тракторларга ишлатиш учун мослаштириш ва тайёрлашни тугаллашдан ҳамда бу машиналарнинг ўргумчаккана ва бошқа зararли ҳашаротларга қарши курашда, ғўзани барги орқали озиқлантиришда юксак унум билан ишлашини та'миналашдан иборатдир. Август ойида ғўзани барги орқали озиқлантириш кенг миқёсда амалга оширилиши керак.

Илғор механизаторлар қолган вақт ичида ҳарбир агрегат билан камида 250 — 300 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш ва эгат олиш, ОДН маркали ҳарбир пуркагич-чанглагич машина билан 200 — 250 гектар ердаги ғўзани дорилаш учун курашмоқдалар. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари илғор механизаторларнинг бу ташаббусига бошчилик қилишлари ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенг қизитиб юборишлари лозим.

Колхоз правленциялари техникадан юксак унумли фойдаланиш учун далада ишловчи тракторларга хизмат кўрсатишни яхшиламоқлари керак. Тракторларга сув, ёнилғи ўз вақтида етказиб бериб турилиши, тракторчиларга далаларнинг ўзида иссиқ овқат ташкил этилиши ва уларнинг унумли ишлаши учун барча зарур шароитлар яратиб берилиши лозим.

Бригада ва звено бошлиқлари, ўртоқлар, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Сиз — далаларнинг бевосита ташкилотчиларидирсиз. Колхозчилар меҳнатини уеталик билан ташкил этингиз, ҳарбир соатдан унумли фойдаланиш учун курашингиз. Кўпгина бригада ва звено бошлиқлари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ҳозир оширилган мажбурият олмоқдалар. Масалан, Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Партия XIX с'езди» колхозининг бригада бошлиғи Ашурали Тожибоев худди шундай қилди. Илгари Тожибоев давлатга ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эди. Ўртоқ Тожибоев август ойида ўз бригадасидаги ғўзаларнинг яна икки марта сифатли парвариш қилинишини ҳисобга олиб ва бригададаги барча пахтакорларнинг фикрини ифодалаб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил топшириш мажбуриятини олди. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Мирахмад Юсупов бошлиқ бригадасига қарашли далалардаги ғўзалар ҳам намуна бўларлидир. Бу ғўзалар 2,5 марта озиқлантирилди, тўрт марта культивация, уч марта чопиқ қилинди, ҳозир учинчи марта суғорилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳарбир туп ғўзада 5—6 тадан кўсак бор. План бўйича бригада ҳар гектар ердан даралатга 36 центнердан пахта топшириши ўрнига 40 центнердан ҳосил топшириш қарор қилди.

Илгор пахтакорларга шон-шарафлар бўлсин! Уларга тенглашиш, улардан ўрнак олиш керак!

Ўртоқ агрономлар, ирригаторлар, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассислари Ватан сизни қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кескин суратда юксалтириш учун курашнинг олдинги safларига қўйган. Бу юксак ишончга муносиб кишилар бўлингиз. Ғўзани яхшироқ парвариш қилиш, илғор тажриба ва совет агробиология фани ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига ва тракторчиларга кун сайин ёрдам берингиз. Сизлар агротехника қоидаларига аниқ риоя қилиниши учун курашмоғингиз, қишлоқ хўжалик новаторларининг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватламоғингиз, ғўза парвариши ишларини юзаки ўтказишга қаратилган ҳарқандай урунишларга кескин зарба бермоғингиз, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг актив ёрдамчиси бўлмоғингиз керак.

Колхозлар, совхозлар ва МТСлар республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни янада юксалтириш учун курашиш билан бирқаторда, чорвачилик ва ипакчилиқ юзасидан, картошка, сабзавот, полиз, галла, мойли экинлар, каноп ва жут етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла ва оширib бажарилиши учун бутун чораларни кўрмоқлари керак. Бу йил республикамизда маккажўхори жуда кўп экилди. Маккажўхорини ва бошқа экинларнинг а'ло даражада парвариш қилиниши та'миналмоғи зарур. Силос иншоотлари қуришни тезроқ тугаллаш, чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, чорва молларнинг тўқ ва иссиқ қишловини та'миналашга пухта тайёргарлик кўриш керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қаттиқ ишонч билдирадиларки, колхоз ва совхозлардаги коммунист ва комсомолларнинг ҳаммаси август ойининг қизғин кунларида бир ёқадан бош чиқариб, пахта далаларида ишлайдилар, социалистик мусобақага бошчилик қиладилар ва ўзлари фидокорона меҳнат қилишлари билан қийинчиликларни енгишда ҳамда асосий вазифани — мўл ҳосил тўплаш вазифасини ҳал этишда ҳаммага ўрнак бўладилар.

Колхоз, совхоз ва МТСларнинг бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақага бошчилик қилишлари, бу мусобақанинг натижаларини ҳаммага ма'лум қилиш ва таққослаб кўрсатиб туриш учун оммавий — сиёсий ишнинг барча воситаларидан фойдаланишлари, илғорларнинг тажрибасини кенг ва амалий равишда пропаганда қилишлари керак.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари далада ишловчиларга зарур бўлган маданий-маиший шароитларни яратиб бермоқлари лозим. Барча колхоз ва совхозларда иссиқ овқат намунали йўлга қўйилиши, дала шийпондари, болалар яслилари ва майдончаларини шинам қилиб безатилиши, колхозчиларга пул ва натура авансларини ўз вақтида бериб борилиши керак.

Мана шу ҳал қилувчи кунларда колхоз, МТС ва совхозларнинг раҳбарлари, район ва область партия, совет ташкилотларининг ходимлари колхозчилар, совхоз ишчилари, тракторчилар билан биргаликда далада бўлишлари, уларга пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда ҳартарафлама ёрдам кўрсатишлари керак.

Район, колхоз, совхоз ва машина-трактор станциялари раҳбарларининг ҳозирги пайтдаги вазифаси шундан иборатки, даставвал улар ғўзаларнинг аҳволига қараб, ҳамма жойда уларнинг яхши ривожланиши, кўп ҳосил тўплаши ва пахтанинг эртароқ очилишига эришиш учун август ойида ҳарбир колхоз, совхоз, бўлим, бригада, звено, ҳарбир далада нималар қилиш кераклигини белгилаб чиқишлари лозим. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети колхоз правленияларига, МТС ва совхозларнинг директорларига бу масалани колхозларнинг бригадаларида, звеноларида ва совхозларнинг бўлимларида муҳокама қилиб чиқишни тавсия этадилар.

Қадрдон ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимизда социалистик мусобақа қудратли умумхалқ ҳаракатига айланиб кетган. Омма ўртасидаги бу буюк мусобақанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси шонли Коммунистик партиядир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қаттиқ ишонч билдирадиларки, Совет иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа қишлоқ меҳнаткашларининг жуда кенг оммаси ўртасида ёйилиб кетади, бу мусобақа чинакам умумхалқ социалистик мусобақаси бўлади ва пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш учун курашда ажойиб самаралар беради. Ҳеч шубҳа йўқки, республикамизнинг шонли колхозчи деҳқонлари, МТС ва совхозларининг ходимлари август ойида фидокорона меҳнат қилиш билан мўл пахта ҳосили тўплаш, йиғим-теримга намунали тайёргарлик кўриш ва давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун ўзларининг бутун куч-гайратларини сафарбар этадилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV пленуми

Шу йил 25 — 26 июльда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум «КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил қилишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида» чиқарган қарорини бажаришда комсомол ташкилотларининг вштироки ҳақида» деган масалани муҳокама қилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. Н. Шелепин доклад қилди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини қат юксак руҳ билан ма'қулладилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани қайд қилиб ўтдики, саноат корхоналаридаги комсомол ташкилотлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида комсомолларни ва ёшларни бешинчи бешйиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш юзасидан катта ишлар қилмоқдалар. Комсомол ташкилотлари Куйбишев ва Сталинград гидроэлектростанциялари қурилишида, йирма темирбетон конструкциялар ва детальлар ишлаб чиқарадиган заводларни қуришда, Донбассининг кўмир шахталарида ишлаш учун бу йил комсомоллар ва ёшлардан 50 мингдан кўпроқ кишини юборишдилар. Комсомоллар ва ёшлар орасидан ишлабчиқаришнинг кўпгина новаторлари етишиб чиқди.

Шу билан бирга, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми қайд қилиб ўтдики, саноат корхоналаридаги комсомол ташкилотларининг ишларида жиддий камчиликлар бор. Кўпгина комсомол ташкилотлари ёшларнинг меҳнатдаги активлигини ошириш билан боғлиқ бўлган, ишлабчиқаришнинг ички резервларини топиб, улардан фойдаланиш ишларида, янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш, ишчи ёшларнинг маданий-техника савиясини ошириш ишларида ёшларнинг иштирок қилиши билан боғлиқ бўлган конкрет вазифаларни тузук ҳал қилиб бермаётирлар. Комсомол ташкилотлари ёшларнинг социалистик мусобақасини уюштиришда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Иш нормаларини бажармаётган, ишда баққа йўл қўяётган, прогуллар қилаётган ишчи ёшлар ҳали ҳам оз эмас, аммо комсомол ташкилотлари бу ҳилдаги фактларга кўпинча э'тибор бермаётирлар. Кўпгина корхоналардаги комсомол ташкилотларида ёшлар орасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар қониқарсиз ташкил этилган.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми корхоналарнинг ишлабчиқариш ҳаётида комсомол ташкилотларининг ролини ва активлигини ошириш, комсомоллар ва ёшларнинг қимматли ташаббусларини ҳартомонлама қўллаб-қувватлаш, ишчи ёшларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашга ва уларнинг ишлабчиқариш малакасини оширишга кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарурлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг берган кўрсатмасини комсомолнинг иши учун жанговар программа деб қабул қилди.

Комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини ёшларга яхши тушунтириб беришлари ва шу асосда партия ташкилотларига янги машиналар, станоклар, асбоблар, ускуналарни тезроқ яратиш ва жорий қилиш учун, янги техникадан яхшироқ фойдаланиш, ҳарбир ускунадан ва ишлабчиқариш майдонининг ҳарбир квадрат метридан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш учун курашда ёрдам кўрсатиш ишларини активлик билан авж олдириб юборишлари лозим.

Комсомол ташкилотлари ишчи ёшларда, шунингдек меҳнат резервларининг ўқув юртларида ўқиётган ёшларда совет фани ва техникасининг, шунингдек чет элларда-ги фан ва техниканинг муваффақиятларини ўрганишга ва ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ҳартомонлама ривожлантириш-лари, ёшларнинг янги техникани тезроқ ўзлаштиришга ва жорий қилишга қаратилган тақлифларини ҳартомонлама қўллаб қувватлашлари лозим.

Ишчи ёшларнинг маданий-техника савиясини ошириш комсомол ташкилотларининг техникани тараққий этдириш учун курашида муҳим ўрин олиши лозим. Комсомол ташкилотлари умумий ма'лумот берадиган кечки мактабларни, ишлабчиқариш-техника та'лими тўгараклари ва курсларини, илғор иш методлари мактабларини кўпайтиришга ва уларнинг ишларини яхшилашга эришмоқлари, ёшлар орасида техника адабиётини кенг пропаганда қилишлари лозим.

Пленум комсомол ташкилотларига барча ишчи ёшларнинг социалистик мусобақада актив қатнашувини та'миналашни тақлиф этди. Ёшлар коллективлари — бригадалар, сменалар, участкаларнинг социалистик мусобақасини ташкил қилиш билан ҳам яхшироқ шуғулланиш ва бу коллективларнинг мусобақа илғорлари бўлишларига эришиш керак. Мусобақада комсомол ташкилотлари ишлабчиқаришдаги илғор тажрибани ёйишга ва жорий қилишга, ишлабчиқариш илғорларининг меҳнат усулларини ва методларини эгаллашда ҳарбир ёш ишчига ёрдам кўрсатишга алоҳида э'тибор бериш-лари лозим. ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Молодая гвардия» нашриётига ишлабчиқаришдаги новатор ёшлар тўғрисида энг актив қатнашишни тақлиф қилди ва ВЛКСМ Марказий Комитетига министрликлар билан биргаликда саноатнинг етакчи тармоқлари бўйича ёш рационализаторлар ва ихтиро'чиларнинг конференцияларини ўтказишни тавсия этди.

Пленум ишчи ёшлар орасида оммавий, сиёсий ва ташкилий ишларни жиддий равишда яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёшларнинг турмуши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, комсомол ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди. Ҳарбир йигит ва қизни меҳнатга нисбатан коммунистик муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш устида қунт ва сабр билан ишлаб, мамлакатимиз ишчилар синфининг меҳнат соҳасидаги ижобий намуналаридан, қаҳрамонона традицияларидан шу мақсадларда кенг фойдаланиш комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми Совет Иттифоқи комсомолларини, йигит ва қизларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездига тайёргарликни меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар билан нишонлашга чақирди.

Пленум, комсомоллар, саноат корхоналаридаги барча ёш ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар техникани тараққий этдириш учун, социалистик саноатни янада кенг миқёсда юксалтириш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлиги остида олиб борилаётган умумхалқ курашига актив равишда қўшиладилар, деб ишонч билдирди.

Бутуниттифоқ Темирйўлчилар куни

30 июльда Москвада М. Горький номидаги Марказий маданият ва истироҳат паркининг Зелений театрида Йўллар министрлигининг ва Темирйўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг пойтахт жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикасидан келган четэлли меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлис президиумида СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Л. М. Каганович, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. П. Тарасов, Йўллар министри Б. И. Бешчев, СССР Мудофаа министри Г. К. Жуков, Дар'ё флоти министри З. А. Шашков, Транспорт қурилиши министри Е. Ф. Кожевников, Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри Г. С. Хлопов, КПСС Москва область комитетининг секретари Н. Ф. Игнатов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретарлари И. Т. Марченко ва В. И. Прохоров, ВЦСПС секретари А. И. Шевченко ва бошқалар ўтиришдилар.

Бутуниттифоқ Темирйўлчилар куни тўғрисида Йўллар министри Б. И. Бешчев доклад қилди.

КПСС Москва область комитетининг секретари Н. Ф. Игнатов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. И. Залужний, армия генерали М. С. Малинин табрик нутқи сўзладилар.

Германия Демократик Республикасининг транспорт министри Э. А. Крамер ва Польша Халқ Республикасининг темирйўлчилари касаба союзи бош правлениесининг секретари Б. Бильднер совет темирйўлчиларини қизғин табриклашдилар.

Йиғилишдан кейин катта концерт қўйиб берилди.

Темирйўлчилар байрами шарафига

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини шодлик билан нишонладилар.

30 июльда Тошкентда Горький номидаги маданият ва истироҳат паркининг ёзги театрида традицион байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга Тошкент магистралининг социалистик мусобақа илғорлари, шаҳар саноат корхоналарининг новаторлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари келдилар. Йиғилишда темирйўлчилар куни тўғрисида йўл сиёсий бўлимининг бошлиғи А. И. Морозов доклад қилди.

Тошкент магистралининг хўжалиги, — деди у, — янги техника билан тўхтовсиз та'миналмоқда. Урушдан кейинги йилларда ана шу мақсадлар учун 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Йўлнинг асосий иккі бўлимида тепловозлар муваффақият билан ишлаётир. Автоматик блокировка ва марказлаштирилган диспетчерлик жорий қилинганлиги натижасида участкаларнинг поездларни ўтказиш қобилияти ошди. Кучли техникадан самарали фойдаланилиши, меҳнат илғор методларининг жорий қилиниши юк ташишни кўпайтириш имконини берди. Тошкент темир йўлининг коллективи асосий кўрсаткичлар бўйича бешйиллик планни тўрт йилда бажарди. Биринчи ярим йил топшириқлари ҳам оширib адо этилди. Шу вақт ичида оғир юкли 27 минг поезд юргузиб борилди. Бу поездлар билан нормадан ташқари бирнеча миллион тонна юк ташилди.

Октябрь революцияси номли клубда, Шумилов номидаги маданият ва истироҳат паркида ҳам Темирйўлчилар кунига бағишланган кечалар ўтказилди.

Шаҳарнинг неча мингларча меҳнаткашлари стадионларга, Комсомол кўлига, физкультура базаларига бордилар. Бу ерларда Темирйўлчилар куни шарафига спорт мусобақалари бўлди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги янада ривожланмоқда

Ўзбекистон ССР Статистика бошқармаси «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1955 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида»ги ахборотни э'лон қилди.

Ўзбекистон ССР территориясидаги саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 1955 йилнинг биринчи ярмида 104 процент бажарди. 1955 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлабчиқарган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 9 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган ярим йиллик план бажарилди. Бирқанча хил янги маҳсулотлар ишлабчиқариш ўзлаштирилди.

«Ўзбекэнерго» район бошқармаси планини 102 процент, «Андижоннефть» нефть конлари бошқармаси 103 процент, «Ўзбекуголь» трести 102 процент, Ильич номидаги завод 101 процент, Чирчиқ электрохимия комбинати 102 процент, «Ташсельмаш» заводи 102 процент, «Ўзбексельмаш» заводи 105 процент, «Таштекстильмаш» заводи 100,1 процент, «Средазхиммаш» заводи 100 процент, озиқ-овқат машиналари заводи 104 процент, «Под'ёмник» заводи 138 процент, экскаватор заводи 111 процент, «Главдизель» заводи 108 процент, Абразив заводи 103 процент, карборунд заводи 100,9 процент, инструменталь заводи 106 процент, Қувасой цемент заводи 105 процент, Хиллково цемент заводи 102 процент, шифер заводи 113 процент, Тошкент тўқимачилик комбинати 103 процент, Фарғона тўқимачилик комбинати 106 процент, Кагарович номидаги завод 107 процент, Йўллар министрлигининг машинасозлик заводи 107 процент, «Кинап» заводи 107 процент бажарди ва ҳоказо. Орқада қолаётган корхоналар орасида «Чирчиксельмаш», «Ташкенткабель», электротехника заводлари бор.

Кенг истe'мол саноат моллари министрлигининг корхоналари планни 104 процент, озиқ-овқат моллари саноати корхоналари 100,2 процент, гўшт ва сут маҳсулотлари саноат корхоналари 123 процент, бинокорлик материаллари саноати корхоналари 106 процент, маҳаллий ва ёқилғи саноати корхоналари 112 процент, автомобиль транспорти ва тошйўл корхоналари 104 процент, ҳунармандчилик кооперацияси Совети 107 процент бажардилар.

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлабчиқариш ярим йиллик плани, чунончи: кўмир ва нефть чиқариш, прокат, СКГХ-4 маркали трактор сеялкалари, центробеж насослар, суперфосфат, оҳак, ин газлама, устки кийимлик трикотаж, кўн пойафзал, пилла, қаттиқ кўн, юмшоқ кўн, гўшт, колбасалар, консервалар, совун, чой ва шу сингарилар ишлабчиқариш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Брок, пўлат, экскаваторлар, кўтариш кранлари, турли машиналар, шунингдек пайпоқлар, ўсимлик ёғи, макаронлар ва бошқа кенг истe'мол моллари ишлабчиқариш плани тўла бажарилмади.

1955 йилда экиқ майдонлари анча кўпайди. Айниқса маккажўхори, оқжўхори, картошка, ем-хашак э'кинлар майдони кўпайди. Пахта учун ажратилган деярли ҳамма майдонда чигитлар тор қаторлаб экилди. МТС ва совхозларнинг техника билан қуролланиш даражаси анча кўтарилди. Трактор парки кенгайди, янги қишлоқ хўжалик машиналари олинди.

Шу билан бирга кўпгина майдонларда ғўза парваришни агротехника жиҳатидан энг мувофиқ муддатлардан кейинда қолмоқда. Квадрат-уялаб экилган далаларда ғўзани кўндалангига культивациялаш, шунингдек экинни озиқлантириш айниқса кейинда қолмоқда. Маккажўхорини парвариш қилишда, шунингдек экилган ва табиий ўтларни ўриб олишда қолоқликка йўл қўйилди.

Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ўтган йилдагига нисбатан ортди: сут согиб олиш ва жун қирқиб олиш кўпайди. 1955 йил 1 июлигача колхозларда жамоат чорва моллари сони 1954 йилнинг 1 июлидагига нисбатан қуйидагича миқдорда кўпайди: йирик қорамоллар 4 процент, сигирлар 10 процент, қўйлар 10 процент ва чўчқалар 29 процент кўпайди. 1955 йилнинг биринчи ярмида чорвачилик маҳсулотлари ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда қуйидагича миқдорда кўп тайёрланди: гўшт 34 процент, сут 40 процент, тухум 55 процент ва жун 23 процент кўп тайёрланди. Қоракўл терилари ҳам ортиқ тайёрланди.

Аммо бирқанча районларда ва колхозларда чорвачилик ҳали ҳам қониқарсиз аҳвода.

Республикада йилнинг биринчи ярмида капитал қурилиш ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 11 процент ортди. Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги, автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлиги, савдо министрлиги, бинокорлик материаллари саноати министрлиги йилнинг биринчи ярмида капитал маблағлар сарфлаш планини бажардилар. Мактаблар, даволаш муассасалари ва уй-жойлар қуриш плани бажарилмади.

Тошкент темир йўли юк ортиш планини 113 процент бажарди. Юк вагони қатновининг ўртача вақти ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 8 процент тезлашди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигининг автотранспорти билан юк ташиш анча кўпайди.

Давлат ва кооператив савдоси йилнинг биринчи ярмида чакана товар оборoти планини 100,4 процент бажарди. Колхоз бозорларида ун, картошка, сабзавот, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш кўпайди. Шу билан бирга аҳолининг айрим молларга бўлган талаби ҳали тўла қондирилмаётир. Савдо министрлиги колхоз савдосига сут раҳбарлик қилмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик артельлари шаҳарлардаги бозорларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириш юзасидан шартнома асосида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаётирлар. Мол ёғлари, сут, тухум, картошка ва бошқа маҳсулотларни комиссияга қабул қилиб олиш қониқарсиз ташкил этилган. (ЎзТАГ).

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, далаларда фидокорона меҳнат қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшайлик!

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Республика колхоз ва совхозларида ғўзани фосфор блан барги орқали озиқлантиришни кенг кўламда ўтказиш тўғрисида

Фан ва илғор тажриба ма'лумотлари шуни кўрсаталики, ҳосил тугиш даврида ғўзани фосфор блан барги орқали озиқлантириш ҳосилни оширишда, кўсакларнинг етилишини тезлаштиришда ва пахта толаси ҳамда чигитнинг сифатини яхшилашда катта самаралар беради. Кейинги йилларда бу янги агротехника усулини қўлланишдан олинган натижалар уни республикадаги барча колхоз ва совхозлар ишида кенг жорий этиш мумкинлигини тасдиқламоқда.

Бу йил кўпчилик колхозларда ғўзалар уч марта ўрнига атиги бир-икки марта озиқлантирилди. Бундан ташқари, қайта экиш ўтказилганлиги сабабли кўпгина далалардаги ғўзалар ўсишдан орқада қолмоқда. Бу эса кўсакларнинг кеч етилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай участкаларда ғўзани фосфор блан барги орқали озиқлантириш пахтадан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига 600 минг гектар ерда пуркаш, шу жумладан 200 минг гектар ерда авиацияда химиявий метод блан пуркаш ўтказиш йўли блан 1—5 сентябрьга қадар барча колхозларда ғўзаларни фосфор блан барги орқали озиқлантириш мажбуриятини юкладилар. Шу муддат ичида совхозларда 40 минг гектар ердаги ғўза фосфор блан барги орқали озиқлантирилиши керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК ана шу иш планини бажариш учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига колхоз ва совхозларни зарур миқдорда суперфосфат блан та'минлаш вазифасини топширдилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ва Граждан ҳаво флотининг Урта Осиё территориал бошқармасига шу йил 5 августга қадар ғўзани авиация методи асосида фосфор блан барги орқали озиқлантириш учун Граждан ҳаво флотининг махсус отрядлари блан совхозлар ва машина-трактор станциялари ўртасида шартнома тузиб чиқилишини та'минлаш ҳамда зарур миқдорда аэродромлар танлаш ва тайёрлаш топширилди.

МТС директорлари самолётларга хизмат кўрсатиш учун ҳарбир аэродромга биттадан юк автомашинаси ҳамда зарур миқдорда ёнилги-мойлаш материаллари ажратиб беришлари керак. Ҳарбир МТС авиация ишларини ўтказиш ва ишнинг сифати устидан контроль қилиб туриш учун мас'ул раҳбарлар ажратиши, сигнал хизматига ва эритмаларни тайёрлашга бошчилик қиладиган агрономлар тайинлаши лозим. МТС раҳбарлари колхозларда олиб бориладиган ва ғўзани барги орқали озиқлантиришни ташкил этиш блан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар устидан контрольлик ўрнатишлари керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК колхоз правлениеларига сигнал хизматини бажаручи ҳамда эритма тайёрлаш ва бу эритмани самолётларга ортиш ишларини бажаручи махсус бригадалар ташкил этишни; суперфосфат эритмалари тайёрлаш учун зарур миқдорда идиш ва чуқурлар тайёрлашни; Граждан ҳаво флотининг учучи-техник ходимларини, авиация ишларида қатнашадиган колхозчиларни жойлаштириш учун уй-жойларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишни тавсия қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларига, МТС ва совхозларнинг директорларига МТС ва совхозларда мавжуд бўлган барча чанглагич-пуркагич ОДН машиналарини 60 ва 45 сантиметрли қатор ораларида ишлатишга мослаштиришни яқин кунларда тамомлаш, бу машиналардан ғўзани барги орқали озиқлантиришда кенг фойдаланиш мажбуриятини юкладилар. Шу блан бирга қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишларига ҳалал етказмаган ҳолда, ғўзани барги орқали озиқлантиришда қўл аппаратларидан ҳам фойдаланилиши лозим. Ерда юриб ишлатиладиган аппаратлар блан ғўзани барги орқали озиқлантирилган вақтида бу ишни ғўза зараркунандаларига қарши кураш блан қўшиб ўтказиш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК ғўзани фосфор блан барги орқали озиқлантиришни ўз вақтида ўтказиш — ҳосилни ошириш, кўсакларнинг етилишини тезлаштириш, тола ва чигит сифатини яхшилашнинг муҳим воситаси эканлигига алоҳида э'тибор бериб, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларидан, район ижроия комитетлари ва район партия комитетларидан бу муҳим тадбирни ўтказишни алоҳида контроль остига олишни, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари ўртасида бу янги агротехника усулининг аҳамиятини кенг тушунтиришни ва ғўзани фосфор блан барги орқали озиқлантиришнинг белгиланган ҳажмда сўзсиз бажарилишини та'миллашни талаб қилдилар.

Раҳбарликдан четда қолган МТС

Бекобод районидаги 3-нчи МТС район марказидан 70 километр олисга жойлашган. МТС ўз зонасидаги Сталин номли 2-нчи, Охунбобоев номли ва «Қизил пахтакор» колхозларига хизмат қилади. МТС қурилиши 1951 йилда бошланган бўлса ҳам ҳанузгача битмаган, ажсинча мас'улиятсизлик блан қурилабошланган дастлабки бинолар қурилиб тугалланмасданоқ бузилиб кетган. Район ташкилотлари бу МТСнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, материал база яратиш учун тузук қайғирмаётирлар. Балки, улар МТС ва колхоз далаларида ишнинг ёмон уюштирилганлигига МТСнинг узоқлиги, биносининг йўқлигини баҳона қилишдан нарига ўтмайдилар. Ҳолбуки, МТСда озмикўпми бино, етарли сонда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари бор. Агар меҳнат тўғри ташкил этилса, тарбия ишлари, шунингдек моддий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилса, ҳарқандай вазифани ҳам бажараоладиган, механизатор кадрлар, МТС директори, райкомнинг зона бўйича секретари, бош агроном, инженерлар ҳам бор. Брок, ҳамма қасал шундаки, агар МТС раҳбарлари ўз вазифаларига ғоят мас'улиятсизлик блан қараётган бўлсалар район ташкилотлари МТС раҳбарлари фаолиятини қунт блан кузатмайдилар.

Масалан, МТС зонасида 1572 гектар ерда пахта, 1200 гектар ерда ғалла етиштирилади. Бу экинларнинг ҳаммаси машиналар блан ишланиб, йиғиштириб олиниши керак. Лекин МТСдаги мавжуд трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари тўла ишга солинмаган. Бунинг сабаби шуки, МТС малакали механизаторлар блан тўла та'миланмаган. МТСда трактористлар етишмайди. 40 киши ўрнига 20 киши ишлямоқда. Иш фақат бир сменада олиб борилаётир. Кўпчилик трактористлар етарли малакага эга эмас. Уларга техник ёрдам ва раҳбарлик кўрсатилмайди. Бу ҳол иш сифатининг пасайишига, нормаларнинг бажарилмай қолишига, машиналарнинг тез-тез бузилишига сабаб бўлмоқда. Яқинда бир тракторнинг мотори ҳатто бутунлай ишдан чиққан. Бунинг сабаби шуки, мотор вақтида мойланмаган.

Механизаторлар етишмаган бир пайтда МТС ма'муриятининг иш шароитини, маданий маиший аҳволини яхшилаш соҳасида ғамхўрлик қилмаётир. Ремонтчилар ишлайдиган жой талабга жавоб бераолмайди. Шунингдек иссиқ овқат ҳам ташкил этилмаган. Ётоқхона йўқ. Натижада механизаторлар узоқ жойлардан қатнаб ишлайдилар. Ҳатто МТСга юборилган ба'зи трактористлар кетиб қолмоқдалар.

Механизаторларнинг иши яхши уюштирилмаган, тошиқларнинг бажарилиши контроль остига олинмаган. Шунинг учун меҳнат унуми паст. Масалан, июльнинг ўтган ўн кунлигида ўртоқ С. Усенов бошлиқ бригадада график 70 процент бажарилган. Сабаби шуки, ўртоқ Усеновнинг машиналари бузилиб анча вақт тўхтаб қолган. Бундай ҳолни бошқа бригадаларда ҳам кўрамиз. Ана шундай камчиликларнинг содир бўлиши натижасида колхозларда ғўза парваришн анча кечикаётир. Айниқса Охунбобоев номли колхозда ғўза культивацияси кейинда қолмоқда. Зараркунандаларга қарши кураш иши ҳам жуда сусайтириб юборилган.

МТС зонасидаги 1200 гектар ердаги ғаллани йиғиштириб олиш иши ғоят кечиктирилмоқда. Ғалла ўримига 2 та комбайнни чиқарилган бўлса ҳам унинг биттаси («Қизил пахтакор» колхозига юборилгани) яхши ремонт қилинмаганлиги учун тезда бузилиб тўхтаб қолган. Агар ғалла ўрими шу аҳволда борса, кўп ғалланинг нобуд бўлиши турган гап.

МТСда машина, тракторларни ремонт қилиш иши айниқса, ёмон аҳволда. Ремонт участкасининг бошлиғи Н. В. Голубев ва бош инженери В. И. Коваленко ўртоқлар «Ишларимиз яхши эмас, ремонт иши учун шароит йўқ» деган баҳона блан ўзини оқламоқчи бўлади. Шу кунларда МТСнинг жуда кўп машина ва трактори ремонт қилиниши керак. 3 та гусеницали трактор капитал, 7 таси эса жорий ремонт қилиниши керак ва 18 та пахта теріш машинасини ҳам тез кунда ремонтдан чиқариши зарур. Лекин ҳали ремонт ишига киришилмаган, ҳатто ремонт учун керакли детальлар ҳам келтирилмаган.

МТС зонасидаги колхозларнинг зўр меҳнат блан етиштираётган пахта ҳосилини йиғиштириб олишга оз фурсат қолди. Бу пахталарнинг кўп қисмини механизация ёрдами блан теріш керак. Брок бу талаб МТС бошлиқларини мутлақо ташвишлантирмаётир. МТС директори Качубей ва бош агрономи Акопян ўртоқлар бу камчиликларни билмайдилар. Лекин уларни ўзатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётирлар.

Бекобод район партия комитетининг зона бўйича секретари ўртоқ Деҳқонов МТСга раҳбарликни бўшаштириб юборган. Ходимлар ўртасида оммавий-агитация ишлари олиб борилмайди. Ўртоқ Деҳқонов, биз газетани бир ҳафта, ўнкунлаб кечикиб оламиз, — деб баҳона қилади, холос. МТСга район марказидан ҳар куни машиналар келиб туради, демак газеталари вақтида олиб туриш мумкин. Аммо ўртоқ Деҳқонов ўз ишида бурилиш қилмаётир. Аксинча у, «тракторчилар ўртасида агитация ишларини МТС бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тўхтаметовга ҳавола қилиб қўйган. Зона бўйича ҳарқайси колхозда, дала шийпонларида, агитаторлар бор» дейилади, аммо уларда нима ишлар қилинаётганини билмайди.

Бекобод район партия ва совет ташкилотлари 3-нчи МТСга дарҳол ёрдам беришлари, содир бўлаётган камчилик ва хатоликларни олдини олиш учун тегишли чора кўришлари, МТС қурилишини жадаллаштиришлари керак.

Ф. УСМОНОВА.

ПАХТА ДАЛАЛАРИ ИЛҒОРЛАРИ

Суратда: (Чапдан ўнгга) Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг универсалчиси **Р. Сувонқулов**, бригада бошлиғи **Х. Худойбердиев**, Булганин номли колхознинг универсалчиси **Ж. Мустонов** ва Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг илғор бригада бошлиғи **О. Отақулов** ўртоқлар. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тўла бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. **Қ. Розиқов** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза тупларида кўсак мўл бўлади

Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхоз а'золари ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажараолмай қолган эдилар. Бунга ҳархил сабабларни баҳона қилиб кўрсатадилар. Аслида эса колхозда ўтган йили ишлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаган. Чигит экиш кечиккан, уни унириб олиш анча сурилган эди. Шунга қараб ғўза парвариши ҳам белгиланган муддатларда ўтказилмай, ҳосилнинг етилиши узоққа чўзилиб кетган эди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ўтган йилги хато ва камчиликларни тўла ҳисобга олган ҳолда, бу йил кўкламдан бошлаб, барча дала ишларини пухта уюштирди, ҳарбир колхозчи ва механизаторнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб берилди. Бу йилги муваффақиятнинг яна бир томони шундаки, колхоз катта-катта майдонларга чигитни квадратуялаб экди. Бу эса, механизациялан кенг фойдаланиш, демак ғўзанинг ҳарбир парваришини белгиланган муддатда юқори сифатли ўтказиш имкониятини яратиб берди.

Шу кунларда колхоз далаларида бўлсангиз, поёнсиз пахтазорларда мўл ҳосил етиштириш учун қурашаётган колхозчилар ва механизаторларни кўрасиз. Улар, «Ҳарбир туп ғўзада кўпроқ кўсак бўлсин» деган мақсадни дилларига жо қилиб, зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Бригадалар ва звенолар ўртасида партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа қизғин тус олган. Ўртоқ Усменқулов бошлиқ бригада а'золари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу бригада а'золари социалистик мажбуриятни бажаришда асосий шарт бўлган барча тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Янги усулда чигит экилган 80 гектар ердаги ғўза уч марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинди. Чопиқ ва озиқлантириш ўз вақтида ўтказилди. Бригада а'золари август — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилучи ой эканлигини тўла тушинган ҳолда, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Улар август ойи давомида ғўзаларни икки марта парвариш қилиб, ҳарбир туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун қурашмоқдалар. Усмонов, Исломов ўртоқлар бошлиқ бригаларда, Нурхўжаев бошлиқ звенода ҳозирги ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парваришн қизғин давом эттирилмоқда. Бу бригада ва звеноларнинг а'золари ҳар куни ғўза парваришида белгиланган нормани 1,5—2 ҳисса қилиб бажариш учун қурашмоқдалар.

Етмиш Эшматов, Бурҳон Атемқулов ўртоқлар яқинда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидан қайтиб келдилар. Улар ҳамқишлоқларига Москвада, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида кўрганларини ва ўрганган тажрибаларини батафсил сўзлаб бердилар. Уларнинг «Пахтачилик» павильони тўғрисидаги суҳбатлари колхозчи ва механизаторларни айниқса мамнун қилди.

— Биз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида ажойиб экспонатларни кўрдик, — дейди звено бошлиғи Бурҳон Атемқулов. — «Механизация», «Чорвачилик» павильонлари айниқса қувонтирди. Бу ерларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш зўр қадамлар блан ривожланаётганлигини ҳарбир киши ҳам дарров пайқаб олади. «Чорвачилик» павильонидаги экспонатларда мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун зўр ғамхўрлик қилинаётганлиги ва бу соҳада янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлиги тўла акс этдирилган. Биз пахтакорлар мамлакатга қанча кўп пахта етказиб берсак, она-Ватан ва халқ олдидаги муқаддас вазифамизни шараф блан бажарган бўламиз. Звеномиз бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун қурашмоқда. Бу мажбуриятни албатта бажарамиз. Ҳозир звено а'золари ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Колхоз а'золари бу йил 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Яқинда колхозда ўзаро текшириш бригадаси бўлиб, ғўза тупларида ҳосил мўллигини, агар дала ишлари август ойида ҳам давом эттирилса, ҳосил бундан ҳам кўп бўлишини айтдилар. Шу йўналишда колхозчилар мусобақалашар айтгандек, август ойида ҳам ғайрат блан ишлашга ва илгариги мажбуриятларини ўзгартириб, ҳарбир гектар ердан 34 центнердан ҳосил етиштиришга қат'ий қарор қилдилар.

— Пахтакорларимиз ва колхозимизда хизмат қилаётган механизаторлар, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Холматов, — мамлакатга кўпроқ пахта етказиб бериш, партиямизнинг шонли XX с'ездини мунесиб совғалар блан кутиб олиш учун қурашадилар. Биз барча колхозчилар ва трактористларнинг янада унумлироқ ишлаши учун зарур шароитни яратиб берамиз. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда, август ойида ҳамма майдондаги ғўзаларни яна икки марта парвариш қиламиз. Бунда айрим далаларгаги ҳосил олишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишга аҳамият берамиз. Ҳарбир туп ғўзамизда кўсакларнинг мўл бўлишига эришамиз.

М. НОРМАТОВ.

Мўл ҳосил етиштириш учун

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг меҳнатсевар а'золари бу йил пахта майдонини анча кенгайтириб, 938 гектар ерга чигит экдилар. Ҳозир улар ғўза парваришини кучайтириб юборишдан, ҳар гектаридан 27 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун қурашаётирлар. Колхозда илғорлар тажрибаси ва агротехника фани муваффақиятлари кенг жорий қилинмоқда ва шу орқали, ҳарбир туп ғўзада олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилаётир.

Ҳозир колхознинг барча участкаларида ғўзалар текис ҳосилга кирди. Ҳарбир туп ғўзада 5—6 тагача кўсак ва кўплаб гул бор. Айниқса янги, прогрессив усулда жойлаштирилган 330 гектар ердаги ғўзалар ўзининг серҳосиллиги блан бошқа ғўзалардан ажралиб турипти.

Колхозчиларнинг мўл ҳосил учун қурашида механизаторлар актив қатнашмоқдалар. Улар ғўзаларни сифатли ишлаш юзасидан бир-бирлари блан социалистик мусобақа ўйнаганлар. Бу мусобақада ўртоқ Стражков бошлиқ бригада а'золари олдинда бораётирлар. К. Дадаев, Б. Алибеков ўртоқлар сингари илғор универсалчилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Уларнинг ҳарбири кунлик графикни 150—160 процент қилиб бажармоқда.

А. МАМАЖОНОВ.

Ўргимчакканани қиру́чи янги препарат

Ўргимчаккана ғоятда қичик бўлиб 0,4—0,6 миллиметрга тўғри келади. Лекин қичик бўлишига қарамай. 8 — 10 кун ичида 600 га яқин тухум очади. Айниқса, июль ойида тез-тез урчиб туради. Агарда унга қарши курашни ўз вақтида ўтказилмаса шонага, гулга ва ғўза барглариға катта зарар етказиб, уларни тўкиб юборади. Бу эса мўл ҳосилни камайтиради.

Ўргимчаккана асосан ғўза барглари нинг пастки томонига жойлашиб олиб, баргини сўрабошлайди. Зараркунандаларга қарши курашда сепилган ёки пуркалган дори кўпинча барглар устига тушади, натижада ўргимчаккана яна бемалол яшайверади. Ўргимчакканани бутунлай қуритиш учун олтингугурт эритмасини барглариннг пастки томонигагина сепиш ёки пуркаш лозим. Шундагина сепилган дори нинг та'сири блан ўргимчаккана бутунлай кирилади.

Зараркунанда ва ҳашаротларга қарши курашда дориларни барглар остига пуркаш бирмунча қийин ва кўп вақт талаб этади. Шунинг учун ҳам та'сири кучли бўлган меркантофос ва онтомитил препарати ишлабчиқилди. Бу препаратнинг та'сири жуда кучли бўлиб, баргнинг устига тушса ҳам зараркунандаларни бемалол қириб ташлайверади. Ўргимчаккана ва бошқа зараркунандалар ғўза баргининг остида бўлса ҳам тезда заҳарланиб кириллб кетади. Чунки бу дори ўз кучини бир ой ва ундан ҳам кўпроқ сақлайолади.

Бу янги дори биринчи марта Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда ўртоқ Мирзаев бошлиқ бригаданинг 10 гектар ғўзасига пуркалиб синовдан ўтказилган эди. Дориланган ана шу 10 гектар ердаги ғўзада бирор дона ҳам ўргимчаккана учрамади. Ваҳоланки, шу картаниг ғўзаларини ўргимчаккана босиб кетди. Кейинчалик бу участка олтингугурт аралашмаси блан икки марта дориланса ҳам ўргимчакканани йўқотиб бўлмади. Яқинда участка янги дори блан дориланди.

Ленин номли колхозда синаб кўрилган бу янги дори ўргимчакканага қарши курашда ва уни бутунлай қириб ташлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Бу препаратдан бошқа колхоз ва совхозларда ҳам кенг қўлланиш керак.

С. БОНДАРЕНКО.

БРИГАДА А'ЗОЛАРИ ЎЗ ҲАМКОРЛАРИДАН ХУРСАНД БЎЛМОҚДАЛАР

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Тўлаган Бўриев бошлиқ бригада а'золари ҳосил тўплашда ҳал қилучи август ойининг ҳарбир куни, ҳарбир соатидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Бригадада ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ишчи кучлари ва механизациядан унумли фойдаланиш бригада а'золарининг муваффақиятларга эришишига гаров бўлаётир. Ҳозир мавжуд майдонлардаги ғўзалар 4 марта комплекс парваришдан чиқарилди, икки марта минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси блан озиқлантирилди. Сув талаб ғўзалар тажрибали сувчилар томонидан қондириб суғорилмоқда.

Бу бригаданинг далаларини айланган киши, бўйи белбоққа уриб, соғлом ривожланаётган ғўзаларни кўриб қувонади. Ҳарбир туп ғўзада 10 — 15 тадан гул, 5 — 6 тадан бўлиқ кўсак санайди. Бригаданинг муваффақиятларга эришишида Т. Бобоёров, Т. Хидиров, Рустамов каби чопиқчи ва сувчиларнинг хизмати катта. Улар сидқидиллик блан меҳнат қилиб, белгиланган нормаларини ҳар куни 1,5—2 ҳисса бажараётирлар.

А. ҚУРБОНОВ.

Ғўза парваришини мусобақадошларимиз маслаҳатлари асосида ўтказайлик

Мусобақадош Пискент район пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Ўртачирчиқ район колхозларида социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширдилар. Улар ғўза парваришн, чорвачиликни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда текшириш ўтказиб, колхозлар ишида бирмунча жиддий хато ва камчиликлар борлигини аниқладилар.

Энгельс номли колхоз ғўза парваришида бу йил ҳам орқада қолган. 97 гектар ернинг ҳар гектаридан 19 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган ўртоқ Мамедов бошлиқ бригадада аҳвол, айниқса ёмон. Бригада далаларида ғўза туплари сийрак—ўрта ҳисоб блан олганда ҳар гектар ерга фақат 50 минг тупдан ғўза кўчати тўғри келади, 10 гектардан ошиқроқ ердаги ғўза суғорилгандан кейин культивация ўтказилмаган. Натижада ер қотиб, нам кўтарилган, ғўзанинг ривожланишига путур етган. Бир гектардан мўлроқ ердаги ғўза мутлақо ягана қилинмаган ва бир марта чопилганича қолиб кетган. 15 гектар ердаги ғўзани ўт босган ва ҳали ҳосилга кирмаган.

Бундан ташқари ғўзани мол пайхонлаш ҳоллари ҳам рўй берган. Пайкал ораларида бир гектаргача ердаги ғўза оёқ ости қилиниб йўлга чиқарилган. Ўртадан ўтган ўқариқдан иккитомонлама суғориладиган 11 гектарли картанинг олдин сув ичган томони етилгану, иккинчи томони ҳали лой эди. Бригада бошлиғи ўртоқ Мамедов тўла етилмаган ерга от культивациясини солиш ўрнига трактор туширган. Универсалчи бу ҳолда ғўзанинг нобуд бўлишини айтиб қаршилик кўрсатган, аммо ўртоқ Мамедов уни мажбур этган. Натижада анча ердаги ғўза нобуд бўлган. Етилган ер оса кечикиб культивация қилинганн учун кесак кўчган, ҳатто айрим ерларда ғўза илдизлари кўчириб юборилган. Колхоз раҳбарлари (раиси Пак, партия ташкилотининг секретари Холтоев ўртоқлар) юқоридаги жиддий хатоларни билсалар ҳам уни тузатиш учун ўз вақтида тегишли чора кўриш ўрнига ўзларини билмасликка солаётирлар.

Бундай ҳолларни райондаги Калинин номли, Ильич номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда ҳам учратиш мумкин. Калинин номли колхознинг Бурҳон Омонов бошлиқ 4-нчи бригадасида ғўзалар сувдан қолмоқда. Бригаданинг биринчи звеносида 11 гектар ердаги ғўза чанқаб шона ва тугунчаларини ташлаб юборяётир. Колхозда 35 процент ердаги ғўза яхши парваришн қилинмагани учун бўйи бир қарич бўлиб ётипти. Колхозчилар учун маданий ва маиший шароит яратиб берилмаган; дала шийпонлари жиҳозланмаган; далада иссиқ овқат қилиб берилмайди. Колхозчиларнинг қўлида меҳнат дафтарчалари йўқ, улар шу кунгача қанча меҳнат куни ишлаганликларини билмайдилар. Меҳнат интизоми бўшашиб кетган, айни ҳосилга-ҳосил қўшадиган шу кунларда колхозчилар ишга кеч чиқиб эрта қайтадилар. Айрим колхозчилар ҳатто ғўза парваришида қатнашмай қўйганлар.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам агротехника қоидалари бузилаётир. Масалан, Ёқуб Ҳайдаров бошлиқ бригадала 55 гектар ердаги ғўза суғорилиб ўз вақтида культивация қилинмаган. Натижада ер ёрилиб ғўза илдизлари шомоллямоқда. Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари эндиликда бу ерни олдин чопиқ қилиб, кейин ўғитлаб суғориш зарурлигини айтиллар. Аммо кейиндан текшириб кўрилганда бригада бошлиғи ўртоқ Ё. Ҳайдаров бўйруғи блан 55 гектар ғўзага ёппа сув қўйиб юборилганлиги аниқланди. Колхозраиси ўртоқ Самедов эса далаларни айланиш, ғўзани парвариш қилишда йўл қўйилган юқоридаги хато ва камчиликларни тугатиш ўрнига кўп вақтини Тошкентда ўтказмоқда.

Ильич номли колхоздаги ўртоқ Саттор Абдуҳалилов бошчилик қилаётган звенода 6 гектар ердаги ғўза чанқаб қолган. Бу ерда ягана қилинмаган ғўза қаторлари ҳам бор. Звенонинг 22 гектар ердаги ғўзаси квадрат-уялаб жойлаштирилган бўлса ҳам қатор ораларн фақат биртомонлама ишланмоқда, холос. Колхознинг А. Жамолов ва А. Мадалиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ўсишдан кейинда қолган ғўзалар анчагина майдонни ишғол этади. Ўртоқ Мадалиев бошлиқ бригаданинг И. Ғуҳумов бошлиқ звеносида ярим гектар ердаги ғўза аниқ шоналамоқда. Чопиқ ва культивацияси жуда сифатсиз ўтказилган. Бригадада меҳнат интизоми бўшашиб кетган, прогул қилучилар ҳам бор. Колхозда барча имтиёзлардан фойдаланган ҳолда жамоат ишида қатнашмаётган, ба'зи сохта колхозчилар ҳам бор. Масалан, ўртоқ А. Мадалиев бошлиқ бригадада колхозчи Фотима Бойбулатова йил бошидан буён жамоат ишида қатнашмаган, биронта меҳнат куни ишламаган. Колхозда шу сингарилар анчагина бор. Бу қишлоқ хўжалик артели Уставига мутлақо зиддир. Балки сиз ҳамма ишни оғиз блан 100 процент қиладиган колхоз раиси Ш. Зокиров, партия ташкилотининг секретари З. Ҳосилбоев ўртоқларни бу ишдан хабарсиз деб ўйларсиз. Йўқ бундай эмас, улар бу аҳволни жуда яхши биладилар. Лекин улар «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутмоқдалар.

Ленин номли колхозда ғўзани культивация қилиш агротехникаси бузилмоқда. Колхознинг ўртоқ Шербоев бошлиқ бригадасида иккихил манзарани кўрасиз. Бригаданинг Бердиева бошлиқ звеносида ғўзалар ер оқариб кетганидан кейин культивация қилинган бўлса, Т. Иброҳимов бошлиқ звеносида эса ер етилмай, лой ҳолича культивация қилинган. Колхознинг Қаҳҳоров бошлиқ бригаласида ғўза кўллатиб суғорилган. Ўртоқ Яшинбоев бошчилик қилаётган бригадала ҳам аҳвол шундай. Колхозда тажрибали сувчилар танланмаганлиги сабабли сувнинг анчагина қисми исроф бўлаётир.

Колхоздаги Б. Бўзаев бошлиқ звено ғўзалари шунчалик ёввойи ўт остида қолиб кетганки, уни яқинда ўроқ блан ўриб олганлар.

Колхоз правлениеси дала ишларига тўғри раҳбарлик қилмаётир. Колхоз раиси ўртоқ О. Зокиров эса, қасал баҳонаси блан далада камдан-кам бўлади. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Азимқулова агитаторлар блан ишлаш, уларнинг семинарларини ўтказиш, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш ҳамда дала шийпонларида агитация ишларни кучайтириб юборишга етарли э'тибор бермаётир. Колхозда деворий газета, бригадаларда эса «Жангговар варақа»лар ўз вақтида чиқариб турилмайди.

Район партия ва совет ташкилотлари, колхоз раҳбарлари юз берган барча хато ва камчиликларни тез кун ичида тугатишлари керак. Бутун куч ва моддий-техника воситаларини тўла ишга солиб, мусобақадошлар томонидан аниқланган барча хато ва камчиликларни тезда йўқотиш чораларини кўришлари лозим. Ўсишдан кейинда қолган ғўзаларни олдинги ғўзалар даражасига етказиб олиш учун бутун чораларни кўришлари зарур.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

СССРнинг Белграддаги элчихонасида қабул маросими

БЕЛГРАД, 31 июль. (ТАСС). Югославия Иттифоқи халқ скупшчинаси делегациясининг Совет Иттифоқига яқинда жўнаб кетиши муносабати блан СССРнинг Югославиядаги элчиси В. А. Вальков кеча қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Хорватия Халқ Республикаси соборининг раиси В. Бакарич бошчилигида делегациянинг бутун состави, шунингдек Иттифоқ халқ скупшчинасининг раиси М. Пьяце, Иттифоқ вечеси раисининг ўринбосари Р. Чолакович, Иттифоқ халқ скупшчинаси раисининг ўринбосари Б. Симич, Иттифоқ ижроия вечесининг а'зоси О. Карабегович, Югославия Федератив Халқ Республикаси президентининг бош секретари И. Вильфан, ташқи ишлар давлат секретарининг ўринбосари С. Прица, Сербия фанлар академиясининг президенти А. Белич, Белград университетининг ректори Джуричич ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. Югославия Иттифоқи Халқ скупшчинасининг делегацияси 1 августда Москвага учиб кетади.

Латин Америкаси мамлакатларининг СССР блан савдо алоқаларини кенгайтириш учун

БУЭНОС-АЙРЕС, 30 июль. (ТАСС). Аргентина матбуоти Латин Америкаси мамлакатларининг, жумладан, Аргентинанинг Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари блан савдо муносабатларига катта э'тибор бермоқда. «Ла пренса» газетаси Аргентина-Совет савдосига бағишланган редакцион мақоласида бизнинг мамлакатимизни жаҳоннинг бошқа мамлакатлари блан бирлаштиручи иқтисодий алоқаларни муттасил мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарур» деб ёзади ва «шундай иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиши зарур бўлган мамлакатлар қаторидан Совет Иттифоқини чиқариб ташлаш учун ҳеч қандай сабаб йўқ» дейди. Газета СССР блан Аргентина ўртасида савдо-сотиқ янада кенгайтирилади, деб ёзмоқда.

«Пропоситос» газетаси, Женева кенгаши СССР блан Латин Америкаси мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантирмоқ учун қулай шароит вужудга келтирди, деб та'кидламоқда.

ШИМОЛИЙ АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ КУРАШИНИ ҚУВВАТЛАШ ЮЗАСИДАН КАРАЧИДА МИТИНГ УТКАЗИЛДИ

КАРАЧИ, 30 июль. (ТАСС). Бирқанча сиёсий ижтимоий ташкилотларнинг ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ташаббуси блан кеча Карачида митинг ўтказилди. Митинг қатнашчилари француз ма'мурларининг Жазоирда қилаётган репрессияларини қат'иян қоралаб, ва Шимолий Африка халқларининг курашини қўллаб-қувватлаймиз, деб айтдилар.

Саудия Арабистонининг Карачидаги элчиси Абурахмон Бассам митингда раислик қилиб сўзлаган нутқида Шимолий Африка аҳолисини ажнабийлар зўлмидан озод қилишга чақирди. Покистон марказий ҳукуматининг илгариги министри Сардор Абдурраб Ништар сўзга чиқиб, Француз ма'мурлари Африка халқларининг миллий-озодлик ҳаракатини бостириоқ учун Шимолий Атлантик Иттифоқининг қуролли кучларидан фойдаланмоқдалар, деди.

Митинг қатнашчилари томонидан қабул қилинган резолюцияда, Покистон ҳукумати Марокашдаги ва Жазоирдаги Француз ма'мурларининг репрессияларига қарши «қат'ий норозилик билдириб» Франция ҳукуматига нота юборсин, деб талаб қилинади.

Варшавада ёшларнинг Жаҳон V фестивали очилди

ВАРШАВА, 1 август. (ТАСС). Кеча варшавалилар ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлиқ учун курашга бағишланиб ўтказиладиган Жаҳон V фестивалига бутун дун'ё ёшларидан вакил қилиб юборилган кишиларни хурсандчилик ва меҳмондўстлик блан кутиб олдилар.

Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикасидан келган 3 минг делегатнинг шаҳар районларидан бирида учрашуви бўлди. Улар, немис ёшлари бу фестивальда бир бутун герман делегацияси бўлиб қатнашадилар, деган декларацияни якдиллик блан қабул қилдилар.

Туш пайтида фестиваль қатнашчилари И. В. Сталин номидаги Маданият ва фан саройининг ҳашаматли биноси олдидаги майдонга тўпланабошладилар. 108 делегация (ба'зи делегациялар ҳали етиб келгани йўқ) колонналарда саф тортиб, ашула ва музикалар блан фестивальнинг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун Ғийиллик Стадиони томон йўл олдилар.

Байрам тусида безатилган стадионда фестивальни тантанали очиш маросимида қатнашмоқ учун 70 мингдан кўпроқ тамошабин тўпланди.

Бу тантанага Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Берут, Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич, Польша маршали К. Рокоссовский ва Польша Халқ Республикасининг бошқа отоқли давлат арбоблари келдилар. СССРнинг Польшадаги элчиси П. К Пономаренко, Варшавадаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, шунингдек 600 кишидан кўпроқ четал журналистлари ҳам фестивальни очиш маросимига келдилар.

Роса соат 16 да фанфарлар чалиниб, фестиваль қатнашчиларининг паради бошланганлигидан дарак берди. Ҳукумат трибунаси рўпарасидаги бош тоннельдан байроқдорлар чиқиб келдилар. Улар фестиваль эмблемасини, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг ва Халқаро студентлар союзининг байроқларини, жуда кўп зангори байроқларни кўтариб чиқдилар. Халқаро ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари ва Жаҳон фестивали Халқаро комитетининг а'золари уларнинг орқасидан чиқиб келдилар. Сўнгра ёшлар делегацияларининг юриши бошланди.

Улар юратуриб, ашулалар айтмоқдалар, ўйинга тушмоқдалар, музика садолари, «Тинчлик!», «Дўстлик!», «Бирлик!» деган хитоблар янграмоқда.

Стадиондагилар Хитой Халқ Республикаси делегациясини қизғин қарсаклар блан кутиб олдилар. Бу делегация 730 йигит ва қизлан иборат. Франция ёшларининг делегацияси келмоқда. Франция ёшлари колоннасининг бошида француз халқининг шонли қаҳрамони Раймонда Дьен ҳам келмоқда.

Испания ёшлари группаси ўтмоқда. Булар орасида биринчи марта бевосита Испаниянинг ўзидан келган йигитлар ҳам бор. Японияда ёшларнинг 18 та ташкилотидан вакил бўлиб келган ва 95 кишидан иборат бўлган япон делегацияси «Херосима бундан буён сра такрорланмаслиги лозим!» деган сўзлар япон ва инглиз тилларида ёзилган оқ алвонни кўтариб ўтмоқда.

Совет ёшлари делегацияси стадион йўлига чиқиши блаиоқ стадионда ҳамма тилларда айтилган табрик хитоблари ва гулдурос овация янгради.

Фестиваль қатнашчилари парадининг охирида Польша ёшларининг делегацияси ўтди. Бу делегацияни тамошабинлар ва четеллардан келган дўстлар узоқ ва қизғин табриклайдилар. Польша ёшлари фестивальни муносиб кутиб олдилар. Фестиваль шарафига бошланган меҳнат мусобақасида Польша ёшларидан 2 миллион 300 мингдан кўпроқ киши қатнашди.

Тантанали парад тугади. Ёшларнинг Жаҳон V фестивали Халқаро комитетининг раиси Бруно Бернини фестиваль қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади.

Биз, деди у, турли социал системаларнинг, турли маданиятларнинг, турли традицияларнинг вакилларимиз. Бироқ, бизнинг ҳаммамизни бирлаштираётган ва руҳлантираётган бир нарса бор, бу нарса шуки, биз ҳаммамиз тинчликка, дўстликка ва бахтга интилмоқдамиз. Орамизда ҳарқандай тафовут бўлишига қарамай, бизнинг қалбимиз бир-биримизга яқиндир.

Биз, буерга бутун дун'ёдан келдик ва бутун дун'ёнинг умидларини ифодаламоқдамиз.

Бугунги дўстлик алоқаларини, тинчлик учун, инсониятнинг ёрқин келажаги учун курашдаги бирлигимизни янада кўпроқ мустаҳкамлашимизга аминмиз.

Фестиваль қатнашчиларини Польша ҳукумати номидан ва бутун поляк халқи номидан Польша Министрлар совети раиси Ю. Циранкевич табриклади. У, ёшлар улуғ тинчлик ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирди.

Бир гала қаптарлар ҳавога учиб кетди.

Трибуналарда яна қарсаклар бошланди. Стадиондагилар фестиваль шарафига ташкил этилган халқаро эстафетани олиб келган ёшлар группасини табриклямоқдалар. Комитет раиси Бруно Бернини ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун курашга бағишланган Жаҳон V фестивалини очиқ деб э'лон қилади.

Яна фанфарлар янграйди. Баланд мачтада фестиваль байроғи ҳилпирайди. Демократик ёшлар гимни тантанавор янграйди. Бу гимнни ўн минглаб дўстлар дун'ёнинг ҳамма тилларида куйлайдилар. Стадиондаги байрам поляк ёшларининг чиқиши блан тугади. Поляк гимнастикачилари ва раққослари кўм-кўк майса блан қопланган майдонда ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади

ПЕКИН, 31 июль. (ТАСС). Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг иккинчи сессияси кеча Пекинда ўз ишини тамомлади. Сессия ўз қарорларида 600 миллионли Хитой халқининг мамлакатда социализм асосларини қуришга бўлган иродасини ва интилишларини ифодалади.

Охирги мажлисда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай халқаро аҳвол ва Хитой Халқ Республикасининг ташқи сиёсати тўғрисида нутқ сўзлади.

Сўнгра, Хитой халқ ҳокимияти олий органининг депутатлари Хитой Халқ Республикасининг бешйиллик плани тўғрисида шу планга киритилган тузатишлар блан бирликда якдиллик блан қарор қабул қилдилар. Биринчи бешйиллик планнинг қабул қилиниши тўғрисидаги резолюцияда бундай дейилади: Хитой Халқ Республикасининг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бу плани хитой халқининг кўчиш давридаги асосий вазифаларни амалга ошириш йўлидаги кураши учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган программадир, тинч, иқтисодий ва маданий қурилиш планидир, бу планнинг амалга оширилиши Хитойда социалистик қурилишга ва социалистик ўзгаришларга база тайёрлайди.

Сессия 1954 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳамда 1955 йилги давлат бюджети тўғрисида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Ли Сянь-няньнинг доклацини ма'қуллади ҳамда мамлакатнинг 1954 йилги давлат бюджетининг ижросини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия Хуанхэ дар'ёсида гидроиншоотларни комплекс қуриш плани ҳақида ҳам қарор қабул қилди ва ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонуннинг узил-кесил текстини ма'қуллади.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг биринчи ва иккинчи сессиялар ўртасидаги даврда қилган ишлари якдиллик блан ма'қулланди.

«Туапсе» деган совет танкерининг денгизчилари Пекинга келдилар

ПЕКИН, 31 июль. (ТАСС). «Туапсе» деган совет танкерининг командасидан бўлган ва ватанига қайтиб кетаётган 29 денгизчи бугун Пекинга келди. Ма'лумки, бу танкер АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари контрольлиги остида бўлган очиқ денгизда Тайвань оролининг жанубида бундан бир йилдан кўпроқ вақт илгари ҳарбий кема томонидан қонунга хилоф равишда ушлаб қолинган эди.

Пекин вокзалида совет денгизчиларини СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги муваккат ишлар вакили Я. М. Ломакин, совет элчихонасининг ва Пекиндаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари, Хитой денгизчилари касаба союзи раҳбарлигининг ва Умумхитой касаба союзлари федерациясининг вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олучилар совет денгизчиларига сулдасталар тақдим қилдилар.

Сурия парламент делегациясининг СССР дан жўнаб кетганлигига доир

СССРдан қайтиб бораётган Сурия парламент делегациясининг бошлиғи Рафиқ Башшур СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. П. Волковга самолётдан қуйидаги телеграммани юборди:

«Делегациямиз Сизнинг мамлакатингизда бўлган вақтда уни яхши кутиб олганлиги учун Сизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Сизларнинг қардош халқларингиз бизни дўстона вазиятда кутиб олганликлари учун делегациямиз гоят хурсанд бўлди. Бизнинг бу визитимиз мамлакатларимиз ўртасида энди мустаҳкам бўлиб қолган дўстона алоқаларни кучайтиради, деб ишонамиз.

Сиз ва Совет а'золари бизнинг чуқур миннатдорчилигимизни ва ташаккўримизни қабул қилгайсиз».

* * *

Сурия парламенти делегациясининг бошлиғи Рафиқ Башшур СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацисга самолётдан қуйидаги телеграммани юборди:

«Сурия парламент делегацияси дўст Совет Иттифоқи территориясидан кетаётган пайтда шахсан Сизга, Миллатлар Совети а'золарига ва Совет Иттифоқи халқларига меҳмондўстлигингиз учун чин қалбдан миннатдорчилик билдираман, Сизларнинг меҳмондўстлигингиз бизда унутилмас, ёқимли хотиралар қолдирди. Делегация Сурия халқига совет халқларининг дўстлик ҳисларини топширади. Бизнинг бу визитимиз мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни уларнинг шахсий манфаатлари йўлида ва инсоният манфаатлари йўлида кучайтиради, деб ишонамиз. Яна бир марта раҳмат».

Сурия парламент делегацияси Москвадан жўнаб кетди

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ депутатлар палатаси раисининг ўринбосари Рафиқ Башшур бошчилигида Совет Иттифоқига келган Сурия парламент делегацияси 30 июльда Москвадан жўнаб кетди.

Сурияннинг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган Маржазий аэродромда делегацияни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари А. А. Лебедев, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Бюджет комиссиясининг Раиси А. М. Сафронов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин, СССР Олий Совети депутатлари Ю. И. Дудин, А. Е. Петрушев, И. П. Ширков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Бўлимининг мудири Г. Т. Зайцев, СССРнинг Сурияндаги Фавқулодда ва Мухтор Вакили С. С. Немчина, Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари З. В. Миронова, СССР Олий Совети Президиуми Канцеляриясининг Бошлиғи Н. К. Козлов, антиохий православия черковининг вакили Сергиопольский епископи Василий, Москва Советининг депутатлари, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари кузатиб қолдилар.

Кузатучилар орасида Сурияннинг СССРдаги Фавқулодда Вакили ва Мухтор Министри Фарид Ханий, Польша Халқ Республикасининг СССРдаги Муваққат Ишлар Вакили Ю. Банак, Чехословакия Республикасининг Маслаҳатчиси П. Кадиец ҳам бор эдилар.

М. П. Тарасов Сурия парламент делегациясининг а'золарига мурожаат этиб, бундай деди: Сиз Совет Иттифоқида бўлган вақтингизда совет кишиларининг ҳаёти блан, уларнинг тинч меҳнати блан танишиш, совет халқининг тинчликка ва барча халқлар блан дўстликка бўлган интилиши астойдил интилиш эканлигига ишониш имкониятига эга бўлдингиз. Сурия парламент делегациясининг Совет Иттифоқида бўлганлиги СССР блан Сурия республикаси ўртасида алоқанинг янада кенгайишига ҳамда дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. М. П. Тарасов сурия халқига Совет Иттифоқи халқларидан самимий дўстона салом топширишни делегациядан сўради.

Сурия парламент делегацияси, деди делегация бошлиғи Рафиқ Башшур, улуғ Совет Иттифоқидан жўнаб кетар экан, сизнинг ажойиб мамлакатингизда расмий шахслар томонидан ҳам, халқ томонидан ҳам бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учун хурсандчилик блан чин қалбдан миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилади. Биз ватанимизга қайтатуриб, ўз қалбимизда унутилмас таассуротларни ва мустаҳкам дўстлик туйғуларини олиб кетмоқдамиз.

Биз ҳаммамиз бутун дун'ёда тинчликнинг ва халқлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишини чин кўнгилдан истаймиз. Биз аминмизки, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатлар тобора кўпроқ мустаҳкамланади. Сизлар блан хайрлашган ҳолда, биз улуғ Совет Иттифоқи халқларига самимий саломимизни ва юксалиш ҳамда тараққиёт истаб билдирган тилакларимизни топширишингизни сўраймиз. (ТАСС).

ЮГОСЛАВИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

СССР Ташқи Ишлар Министрлиги матбуот бўлимининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган бир группа югославияли журналистлар 31 июльда Тошкентга келдилар.

Югославия журналистлари группасига «Ослободжене» газетасининг директори Радован Папич (Сараево) бошчилик қилмоқда. Делегация составида «Политика» газетасининг бош редактори Данило Лурич (Белград), «Радио Белграда»нинг бош редактори Милорад Миёвич, «Борба» газетаси ташқи сиёсат бўлимининг редактори Иоже Смоле (Белград), «Нова Македония» газетасининг директори Лазо Моисов (Скопле), «Внешняк» газетасининг бош редактори Иошко Палавршич (Загреб), «Словенский Поречевалец» газетасининг бош редактори Сергей Вошняк (Любляни) бор.

Тошкент аэродромида меҳмонларни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори И. Раҳимов, Ўзбекистон Телеграф агентлигининг масул раҳбари Р. Саҳибоев, «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари П. Савчук, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Юсупова, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрининг ёрдамчиси Р. Шоне'матов, Чет эллар блан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари Р. Каримов, «Ўзбекистон Коммунисти» журналининг редактори Л. Муродов, Ўзбекистон Маданият министрининг ўринбосари Ж. Тожиева, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг директори В. Архангельский, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузуридаги Полиграфия саноати ва нашриётлар бош бошқармасининг бошлиғи Ю. Юсупов, Ўзбекистон давлат нашриётининг директори Ф. Юнусов, республика матбуоти ва радиоинформация ходимлари, шаҳар жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

* * *

Ўзбекистонга келган югослав журналистлари группаси республика меҳнаткашларининг ҳаёти блан танишмоқда.

1 август эрталаб меҳмонлар Тошкентни тамоша қилдилар. Улар Қизил майдонни, собиқ «эски шаҳар»нинг реконструкция қилинган кўчаларида қурилган янги турар уйларни кўздан кечирдилар, Ўзбекистон пойтахтини обод қилиш ишлари блан қизиқдилар.

Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театри биноси югослав меҳмонларнинг диққатини ўзига жалб этди. Театр фойесида меҳмонлар Ўзбекистоннинг наққошлари томонидан бажарилган архитектура безакларини завқ блан тамоша қилдилар.

Шаҳарни тамоша қилиш вақтида югославияли меҳмонларга Тошкент шаҳрининг бош архитектори М. Булатов ҳамроҳ бўлди. У Тошкентда уй-жой қурилиши ва маданий-маиший қурилиш перспективалари ҳақида сўзлаб берди, Ўзбекистон маданияти тарихига доир кўп саволларга, шу жумладан Ўзбекистон ме'морчилиги тарихига доир саволларга жавоб берди, Ўзбекистонда шаҳарлар қурилишининг аҳволи тўғрисида сўзлаб берди.

Шундан кейин югослав журналистлари Сталин номидаги тўқимачилик комбинатига бордилар. Буерда улар комбинат директори С. И. Комков ва корхона партия комитетининг секретари А. К. Сергеева блан учрашдилар ва узоқ вақт суҳбатлашдилар. Югославия журналистлари корхонанинг экономикаси тўғрисида, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, тўқимачиларнинг малакасини ошириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, газлама ва ип чиқаришни такомиллаштириш тўғрисида қизиқарли ахборот олдилар.

Меҳмонларнинг илтимосига мувофиқ партия комитетининг секретари А. К. Сергеева уларга комбинат партия ташкилотининг иши тўғрисида сўзлаб берди.

Суҳбатдан кейин Югославия журналистлари комбинат фабрикаларини, профилакторийни ва тўқимачиларнинг Маданият саройини кўздан кечирдилар. Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари югослав халқи вакилларини самимий табрикладилар.

Кун охирида югослав журналистлари Ўзбекистон матбуот ходимлари блан учрашдилар. Журналистик ишнинг бирқанча масалалари юзасидан қизғин фикр олишинди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори И. Раҳимов меҳмонларни Ўзбекистонда матбуотнинг ривожланиши блан таништирди, республика журналистлари ҳозирги вақтда ҳал қилаётган вазифалар ҳақида гапириб берди. И. Раҳимов провардида совет ва югослав журналистлари Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар деб ишонч билдирди. (ЎзТАГ).

Республика биринчилиги учун

Яқинда Тошкентдаги «Динамо» стадионида республика биринчилиги учун футбол бўйича навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда Округ офицерлар уйи команда-си футболчилари блан Андижон динамочилари учрашдилар. Ўйиннинг биринчи ярми меҳмонларнинг қўли баланд бўлган ҳолда ўтди. Улар биринчи бўлиб офицерлар уйи команда-сининг дарвозасига тўп киритдилар. Офицерлар уйи команда-сининг футболчилари ҳисобни тўғрилаш учун қизғин кураш олиб бордилар ва динамочилар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ўйиннинг биринчи ярми 1:1 ҳисоби блан тугади.

Ўйиннинг иккинчи ярмида қариққала команданинг яхши ўйнашига қарамай ҳисоб ўзгармади.

Шунингдек, «Пишчевик» стадионида Тошкент «Буревестник» команда-си блан Чирчиқ «Химик» кўнгилли спорт жамияти футболчилари учрашдилар. Ўйин 1:1 ҳисоби блан тамом бўлди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНО

„Улар тоғдан тушиб келдилар“

Кавказнинг уфқ блан ўпишган тоғлари, унда ёзин-қишин кумушдек ялтираб туручи қорлар... Тоғ ёнбағирлари, водилар ва адрлар ранг-баранг гуллар чамани блан қопланган. Ана шу баланд тоғларнинг романтик манзаралари, бу ерда яшовчи меҳнатсевар соф қалбли кишилар бир вақтлар буюк рус шоирлари Пушкин ва Лермонтовларни ҳам илҳомлантирган эди. Тоғдан пастликка қараб тушган сўқмоқ йўлдан гўзал грузин қизи Лела ёқимли ашула айтиб келмоқда...

Пойтахтимиз экранларида зўр муваффақият блан намойиш қилинаётган «Улар тоғдан тушиб келдилар» номли рангли бадиий фильм ана шундай манзара блан бошланади. Бу фильм Ленин ордени «Груз-фильм» киностудияси томонидан ишланган.

Сценарий авторлари А. Белашвили, М. Большинцов, Н. Санишвили ўртоқлар бу фильмга Грузиянинг ёш саноат шаҳри Руставида металлургия комбинати қурилиши ва бу комбинат учун Уралдаги Магнитагорск металлургия комбинатида пўлат эритучи ёш кадрлар тайёрлаш воқиасини асос қилиб олганлар. Фильмда ижодий меҳнат, рус ва грузин халқлари ўртасидаги дўстлик темалари муваффақиятли ҳал қилинган.

Грузия тоғларининг ёнбағирлари, адрлар ва яйловлар хушбўй, ранг-баранг гуллар блан қопланган. Баҳор ёмғирида юзини ювган олам-олам гуллар, кўмкўк майсалар фильмнинг асосий қаҳрамонлари Вепхия Халибаури, Лела, мастер Буланов, кекса темирчи Апарекаларнинг қалби каби соф ва жозибалидир. Фильмда тасвир этилган табиат манзаралари, жўшқин меҳнат процесси қаҳрамонларнинг ма'навий гўзаллигини ва характерини, уларгаги олижаноб фазилатларни очиб беришга хизмат қилади.

Кекса темирчи Апарека ёш Вепхия Халибаурида металлургия ишига муҳаббат уйғотади. Апарека ёшлигида ота-онасиз қолган Вепхияни меҳнатсевар қилиб тарбиялар экан, унга пўлат эритишнинг сири тўғрисида ҳикоя қилади. Ўтган асрларда Грузияда айрим шаҳларгина пўлат эритиш сирини билганлар. Аммо улар хасислик қилиб, ўз ҳунарларини ҳеч кимга ўргатмай вафот эт'ганлар. Чолнинг бу гапларини ўзига сингдирган Вепхия пўлат эритучи мастер бўлишга қарор қилади. Вепхия блан чолнинг невараси Лела ёшликдан бирга ўсадилар. Биз экранда дастлаб уларни бир-бири блан самимий муносабатда бўлучи ажралмас дўст сифатида кўрамиз. Бу дўстлик бора-бора соф муҳаббатга айланади.

10-нчи синфни тамомлаб етуклик аттестати олган Вепхиянинг Тбилисидаги металлургия техникумига ўқишга кетаётганида Леланинг кузатиб қолиш картинасида икки ёш юракнинг соф муҳаббати зўр маҳорат блан акс этдирилган. Хайрлашиш олдида Вепхия Лелага қараб, «Бизнинг баланд тоғ чўққиларида оппоқ қор эримай абадий турганидек, мен ҳам сени абадий севаман» дейди. Вепхиянинг бу сода, аммо юракдан айтилган сўзлари ўз ҳолига қўймай Лелага муҳаббат изҳор қилиб юрган зоотехникнинг қуруқ, ялтироқ гапларидан минг марта афзалдир.

Вепхия ва унинг курсдошлари техникумда назарий билим олганларидан сўнг, Урал — Магнитагорск металлургия комбинатига 3 йил муддат блан ишга — практикага борадилар. Вепхия бирқанча ҳаёт қийинчиликларини енгиб, пўлат эритучи мастер бўлиб етишади. Бу буюк орзуга эришиш йўлида унга тажрибали пўлат эритучи мастер Буланов катта ёрдам беради. Буланов Вепхияга мастерлик касбини ўргатиш блан бирга, унда чидамлилик, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш каби фазилатларни ҳам тарбиялайди, қийинчиликни енгишга ўргатади. Вепхия блан Буланов ўртасидаги ота-боладек самимий муносабат, илиқ муҳаббат ва ўзаро ҳурмат грузин халқи блан улуғ рус халқи ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорликнинг ифодасидир. Буланов, унинг хотини, қизи Настенька ва бошқа рус ўртоқлар Вепхия ва унинг грузин дўстларини оғаларча муҳаббат блан севадилар. Практика тамом бўлгач, мастер Буланов ўз қадрдон шогирдлари блан Уралдан Руставига келади. Бу ерда қуриб битказилган металлургия гигантининг Буланов етиштирган шогирдлар иштирокида ишга туширилиш маросими катта тантанага, рус халқи блан грузин халқи ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намойишига айланиб кетади. Шундай қилиб, Грузияда ишчилар синфининг янги отряди — металлургларг сафи вужудга келади.

Вепхия Халибаури ролини ижро этган артист Н. Алхазашвили тамошабин муҳаббатига сазовор бўлган образ яратган Вепхия — Алхазашвили ўз мақсади йўлида сабот ва матонат блан ҳаракат қилучи, ўз Ватани ва халқига хизмат қилиш орзусида яшовчи йигитдир. У, жонли инсон сифатида камчиликдан ҳоли эмас, бироқ ундаги бу камчиликлар Буланов ёрдамида тузалади. Вепхия образидаги қарама-қарши моментларни артист Н. Алхазашвили усталик блан ижро этади. Ундаги бу қарама-қарши томонлар кураши уни юксак фазилатларга эга бўлган инсон қилиб етиштиради. Бу образ тамошабин хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Артистка Лела Абашидзе тамошабинларнинг севимли актери бўлиб қолмоқда. У ўзининг актрисалик сан'атини бундан илгариги «Ниначи» фильмидаги комик ролда намойиш қилган эди. Бу фильмда эса, у лирик — драматик ҳолатларни акс этдиручи актриса эканлигини кўрсатади. Лела дастлабки кадрларда қалби соф муҳаббатга тўла, шўх, хушчақчақ қиз, Вепхия блан хайрлашиш олдида лирик кечинмаларга бой, болаларча содда. Вепхия тўғрисида ёмон гап эшитганида чуқур ғамга ботади, севгилиси блан яна учрашганда эса қувноқ, вафодор ёрга айланади. Леланинг ички дун'ёсидаги мана бундай чуқур ўзгаришларни — психик ҳолатни Лела Абашидзе зўр маҳорат блан ижро этган. Уралли пўлат эритучи, пўлатнинг янги маркаларини ижод қилучи — шуҳрат қозонган мастер Буланов образи артист С. Голованов ижросида гоявий юксакликка кўтарилган. У иш устида талабчан мастер, оилада эса меҳрибон ота сифатида гавдаланади. Вепхия блан бўлган муносабатларда эса, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган тарбиячи, ғамхўр, олижаноб киши. «Ёш гвардия» фильмида Валя Борц ролини ижро этган талантли, жўшқин артистка Л. Шагалова бу фильмда рус қизи Настенька образини яратган. Настенька Л. Шагалова ижросида ғайратли, ишчан, тили бийрон ва қувноқ қиз бўлиб чиққан.

Фильмнинг диққатга сазовор ери шундаки, ундаги образлар ўзининг миллий колорити, ўзига хос ҳатти ҳаракати блан ажралиб туради. Меҳнатсевар Апарека (Артист Г. Шавгулидзе), жўшқин Вепхия, ғамтар Лела, ўз касбини жондан севучи Буланов образлари шулар жумласиндандир.

Фильмдаги Вепхиянинг мактабдоши Датонинг мунофиқ зоотехник тўйи устига келиб қолиши, цех бригадири Борисининг Вепхияни фалокатдан халос қилиши, практикантларни кузатишга бағишланган кеча ва ниҳоят металлургия комбинатининг ишга туширилиши тамошабинни ҳаяжонга солади, унда чуқур таассурот қолдиради. Фильмни суратга олган оператор Д. Фельдман Грузиянинг улуғвор пейзажини, Уралнинг жўшқин романтик ҳаётини тўла акс этдираолган. Фильмга композитор А. Баланчивадзе томонидан ёзилган музика ёқимли ва жозибалидир. Композитор рус ва грузин мелодиялари, ритмларидан усталик блан фойдаланиб, музика орқали қаҳрамонларнинг ички дун'ёсини очишга муваффақ бўлган.

Фильмни постановка қилган режиссёр Николай Санишвилининг самарали меҳнатини алоҳида та'кидлаб кўрсатиш керак. У, «Давид Гурамишвили», «Сакенда бақор» бадиий фильмларидаги каби бу фильмда ҳам ижодий муваффақиятга эришган.

«Улар тоғдан тушиб келдилар» бадиий фильми ўз тематикасининг ҳаётий фактлар асосига қурилганлиги, совет кишиларининг яратучилик меҳнатини кўрсатиши, рус ва грузин халқлари ўртасидаги дўстликнинг қудратини акс этдириши блан диққатга сазовордир.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

КИНОЛАРДА:

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 дан кеч 10 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» кеч соат 10 гача) — янги венгер бадиий фильми **Қизиқчининг тақдири.**

«ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги немис бадиий фильми **Карола Ламберти.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Сицилия осмони тагида.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **Тожик халқининг байрами,** кеч соат 10 да **Райком секретари.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Сепсиз қиз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 да рангли илмий-оммабоп фильм **Кристаллар** кеч соат 10 да **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «УДАРНИК» — **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

«НАВОИЙ номли, «ХИВА» — **Қизиқчининг тақдири.**

«ИСКРА», КИРОВ номли — **Карола Ламберти.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Тоғлардаги застава,** кечқурун **Ҳинд сан'ати усталари.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 138. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 06744. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1475.